Е-9-10 98

# Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÖZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

1998 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган • 26 июн, № 26 (3462) •


## ҲАМКОРЛИК ЙЎЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 23—25 июн кунлари расмий ташриф билан Болгария Республикасида бўлди. Давлатимиз раҳбарининг Болгария Президенти Петар Стоянов, Болгария Бош вазири Иван Костов, шунингдек, Болгария Халқ Йиғини раиси Иордан Соколовлар билан бўлиб ўтган дўстона мулоқотлари чоғида икки мамлакат ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорликни чуқурлаштириш, давлатлараро муносабатларни мустаҳкамлаш юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Икки мамлакат делегацияларининг расмий музокаларида транспорт, савдо-сотиқ, маданий ва бошқа соҳаларда мамлакатлар ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий ҳамкорликни юқори поғонага кўтариш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Музокаралар якунида Дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартнома, икки мамлакат ўртасидаги сармояларни ўзаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш тўғрисидаги, шунингдек, савдо, иқтисод, сайёҳлик соҳаларида ҳамкорлик, автомобилларда халқаро йўналишда йўловчи ва юк ташиш тўғрисидаги Битимлар ҳамда Ўзбекистон ва Болгария республикалари ҳукуматлари ўртасида транспорт соҳасида ҳамкорлик ҳақидаги Меморандум имзоланди.

Миллий маданият уйида давлатимиз раҳбари Болгария ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашди. Президентимиз Болгарияга ташрифи давомида мамлакатнинг Қора денгиз соҳилидаги Варна порт ва курорт шаҳрида ҳам бўлди.

Бўлиб ўтган амалий мулоқотлар давомида Кавказ ҳамда Қора денгизнинг Болгариядаги портлари орқали Европа ва Марказий Осиёни туташтирувчи янги халқаро транспорт йўлагидан кенг кўламда фойдаланиш истиқболларига ҳам алоҳида аҳамият қаратилди.

Шуни айтиш керакки, Болгария ва Ўзбекистон халқлари ўртасидаги алоқалар узоқ тарихга эга. Юртбошимиз журналистлар билан қилган суҳбатида алоҳида уқдириб ўтганидек, халқларимизнинг турмуш тарзида, маданият ва маънавият соҳаларида ҳам муштарак жиҳатлар кўп. Мустақиллик шароитида ҳар икки мамлакат ўртасида бу алоқаларни янги поғонага кўтариш юзасидан қўйилган қадамлар мазкур ташриф натижасида ўзининг муайян самараларини бериши аниқ.

*27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни*

## ГАЗЕТА ҲАМ БИР ФАРЗАНД КАБИ...

Ҳамкасблар яхши билишади. Газетанинг ҳар бир сони сўзлардан, иборалардан, фикрлардан, баҳсу мунозаралардан туғилади. Гоҳо демоқчи бўлганингиз шовуллаб кела қолади, гоҳ битта сўз, битта иборага интиқ бўлиб тунни тонгга улайсиз. Чоғроқ битта мақолани тайёрлаш, уни газетхон талабига мос даражага келтириш учун муҳарриридан тортиб то мусаҳҳиҳгача эринмай тер тўкиши керак. Сўраши керак, суриштириши керак. Мавзулар қанчалар ранг-баранг бўлса, уларни қаламга олаётган муаллифлар ҳам ранг-баранглиқда ҳеч кимдан қолишмайди. Бу дунёда нима кўп — нуқтаи назар кўп, фикр кўп, иддао кўп. Ҳар бирини тушуниш, муомала қилиш, энг тўғри, адолатли ечим йўлларини топиш зарур.

Газетачиликда бундан бошқа йўл йўқ.

Ва яна. Газета — ижодий жамоа маҳсули. Гоҳо битта сарлавҳа, битта тагсўз қидириб, пешонангиз маржонлаб кетади. Маслаҳатли тўй тарқамас, деганларидек, фикрдан фикр унади, ҳаммани тинглайсиз, ҳаммани эшитасиз ва, энг мақбулини ўзингиз танлаб оласиз.

Газетачилик шунақа иш...

*«Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги олдидан*

## ЎЗБЕКНИНГ ЎЛМАС СЎЗИ

Минг йиллик маданиятимиз тарихида халқимиз бадиий тафаккури даҳосининг маҳсули сифатида юзага келган нафис сўз санъати дурдоналари беҳисоб. Уларнинг аллақанчаси туркий тафаккур теранлиги ва тахайюл бепоёнлигининг маҳташам обидалари ўлароқ жаҳон бадийияти ганжинасининг тўрида қўр тўкиб турибди. Бу асарларда мислсиз маҳорат билан тараннум этилган эзгулик, озодлик, ватанпарварлик, халқпарварлик, қаҳрамонлик каби абадиятни аллаловчи инсоний ғоялар ва айни пайтда улардаги тил дейилган сурурбахш сеҳрга тўла қудратнинг беназирлиги, сўзнинг инсон қалби қатларига ҳузурбахш ҳайрат солувчи замзамалари, ўктам ишва ва эркли эркалик билан эшилувчи маъно жилвалари, пўртана мисол шиддат ва оқувчан оҳанг, камалакдек товланувчи зангин рангинлик одам боласини ҳамиша маънавий камолот сари етаклаган.

Ана шундай умрибоқий асарлардан бири ўзбек халқ оғзаки ижодининг гултожларидан бўлмиш «Алпомиш» достонидир. Ўн асрким, бу достон наинки халқ тилида, балки халқ дилида яшаб келади. Халқимиз чечансўзлигининг хассос тадқиқотчиси Муҳаммадали Қўшмоқов бир китобида шундай ёзади: «Алпомиш алп бўлгани учун минг йиллар давомида халқ юрагида ўлмай яшаб келадими? Асло! Алплик Алпомиш образининг бир қирраси, холос. Алпомиш аслида маънавият қаҳрамонидир. У Ватан мустақиллиги, халқнинг маънавий бирлиги учун, озодлик, эзгулик, тинчлик учун курашган қаҳрамон... Маънавият қаҳрамони бўлгани туфайли ҳам у халқнинг идеал қаҳрамонига айланди. Шунинг учун ўзбек халқи ўз тарихининг энг қора кунларида ҳам Алпомишни юрагида сақлади, ундан мадад олди, уни ибрат қилиб, Алпомиш ўғилларни, Барчин қизларни вояга етказди» (Чечанликда сўзга сувдайин оқиб... Тошкент: F. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 43-бет).

«Алпомиш» достонида ўзбек халқининг кўҳна ва ҳамиша навқирон тили ўзининг бутун салоҳияти билан жилваланган. Маълумки, халқ тили — табиий ва тарихий тараққиёт жараёнлари ичидаги, аммо «андаваланмаган», «рандаланмаган» тил, у ўз гўзаллигини мутлақо мунтазам, қандай бўлса, шундайлигича асраган, атайлаб пардозламаган, «ўсмаю-сурма», «упаю элик»лардан батамом холи, мезон отлиғ қатъий қоидалар занжиридан озод, муайян ҳудудга мансуб гоҳ беҳад нозик, гоҳида мундайроқ ўзига хосликларни, яъниким, шу тил доирасидаги барча шеваларни ҳам қамраган тилдир. Адабий тил эса ана шу халқ тилининг, айтиш мумкинки, ягона кўркли ва комил «фарзанди»дир. Ўзбек адабий тили ўзбек халқ тили заминида таркиб топган, у халқ тилининг тегишли қонуниятлар асосида мезонлаштирилган, сайқалланган, оро берилган шаклидир. Ўзбек адабий тилининг шаклланиш асоси ҳам, бойиш ва озиқланиш манбаи ҳам айни шу халқ тилидир. Адабий тилимизнинг танти тиргаги, синоатли сарчашмаси қамрови сарҳад билмас халқ тилидир. Бугунги ўзбек адабий тилимизнинг бойлиги ва фавқулодда ифода имконларига эгалиги аслида халқ тилимизнинг расолиги ва равонлиги билан изоҳланади.

Қадим юртимизда олтин созию ойдин овози, сўйламоқни сайрамоққа миндира билиш иқтидори билан булбулни ҳам лол қолдирган, қувваи ҳофизаси, бадиҳагўйлиги, сўзни ҳуққабоз каби ўйната олиши, нафақат ўйнатиши, балки эзгин-эзгин ўйлатиши билан донғи достон бўлган не-не бахшилар «Алпомиш»ни куйламаган. Аниқланишича, бу достоннинг ўттиздан ортиқ варианти мавжуд бўлиб,уларни жуда кўп номдор бахшилар айтиб келганлар ва айтиб келмоқдалар, аммо, таассуфки, уларнинг аксарияти ёзиб олинган эмас. Халқ орасида атоқли бахши Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган вариант кенг тарқалган. Шу нарса ҳақиқатки, «Алпомиш»нинг ҳамма вариантларида ҳам халқ тилининг ўша расолиги ва равонлиги мана-ман деб туради.

Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, «Алпомиш» достони ўзбек халқ тилининг хира тортмас кўзгуси, жонли халқ тилининг, халқ донолигиниг жонли тарихи инъикосидир.

Ўзини эл-уруғ эрки йўлидаги мард билиб, баттол душманга қирон солмоқ мақсади билан ҳаёт-мамот жангига жаҳд қилиб, афсонавор Бойчиборига озодлик дарди билан миниб, ёвни ер билан битта ғард қилмоққа киришаётган Алпомиш ушбу зафаролди онтидаги жанговар оҳангга рақс тушаётган сўзларнинг қатъияти, бу сўзларнинг бир-бирлари билан қуйма уйғунлиги ўқувчи, тингловчи қалбини ларзага солмай қолмайди:

**«Икки дунёда раҳбарим,**
**Марди майдоним, ё Али,**
**Изларам сиздан шафоат,**
**Чобук суворим, ё Али...**

**Очилгайми менинг бахтим,**
**Бузарман қалмоқлар рахтин,**
**Сенинг чиққан тожу тахтинг**
**Ё сеники, ё меники.**

**Йўқдир қилмоқ пойимларинг,**
**Кўп юракда войимларинг,**
**Ўрдадаги ойимларинг**
**Ё сеники, ё меники.**

**Хафа фалак, солма зулм,**
**Бемаҳал етмасин ўлим,**
**Сўраб ётган катта элинг**
**Ё сеники, ё меники...»**

Мисралардаги ихчам вазн асосида юзага келадиган шиддатли оҳангдан омонсиз жангда тиним билмаётган тулпорларнинг дупури эшитилиб туради.

Асарда воқеалар ривожи ва қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришлар билан фавқулодда таранг таносибдаги ўзгарувчан лисоний оқим, мисралардаги сўз бўғинларининг миқдорий сифати асосида садоланувчи оҳанг бор. Достонда, асосан етти, саккиз ва ўн бир бўғинли шеърларда гоҳ тез, жўшқин, гоҳ тинч, вазмин, гоҳида мўътадил бир тарзда таралувчи ана шу оҳанг ифода этилаётган фикрга «юқумлилик» бахш этади. Тайинки, ҳеч бир тил оҳанг оғушидан ташқарида яшамоққа, яшнамоққа қодир эмас. Айниқса, шеър тил учун ана шундай гўзал оғуш. «Алпомиш»да нафақат мисраларарo, балки ҳар бир мисрадаги сўзлараро ҳам туркона товуш такрорлари заминидаги оҳанг уйғунлиги юксак бадиият намунасидир: «Қиличига қирмиз қонлар қотади», «Қалмоқда қолмасин гулдайин танам», «Қалмоқнинг қўлида қопти Бойчибор», «Сувда бўлар сулув ўтнинг суйруғи».

Давоми тўртинчи бетда

## МИЛЛАТНИНГ БОШ ҒОЯСИ ХИЗМАТИДА

*Матбуот ва миллий фикр*

Матбуотчилар байрами арафасида, табиийки, ҳамкасб дўстларга яхши гаплар айтгинг келади. Шундай гаплар айтишга асослар ҳам кўп. Матбуотчилар меҳнатини, билмадим, кимнинг меҳнатига қиёслаш мумкин: кечаю кундуз, фасллар, йиллар ўзгаришларига қарамай узлуксиз ишлаб, тинимсиз нуқтаи назарлар тайёрлаб, пешмапеш етказиб бераётган, миллионлаб одамларнинг ақлу ҳушини эгаллаб, ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ аталмиш дунёни барпо этаётган соҳалари, тармоқлари, йўналишлари, беқиёс жуда улкан корхонада алоҳида бир матбаа ходими, журналистнинг иш қўламини, билмадим, нимага қиёслаш мумкин. Камтарлиги жиҳатидан олсак, эҳтимол, бу меҳнат асаларининг ишига ўхшаб кетар: асалари гуллардан гардлаб асал йиғади, журналист мингларча одамлардан зарралаб фикр неъматини тўплайди...

Ҳали мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларидан кутадиганимиз кўп, ўқишни, эшитишни, кўришни истаганларимиз бисёр, кўнглимиз тўлмайдиган жойлари ҳам талайгина, аммо уларнинг бир жиҳати — истиқлолга, тараққиётга, яхши ўзгаришларга, умуман эзгуликка нисбатан собитлиги борки, буни ҳақиқий маънода Ватанга муносиб хизмат деб атаса бўлади, аксар журналистларимиз ана шу хизматда фидойидирлар — буни тан олиш керак. Давлатимизнинг бугунги мустаҳкамлигида, мамлакатимизнинг кўтарилишида, миллатимизнинг ўзига-ўзлигига қайтишида, устивор ўсишида журналистларимизнинг Ватаннинг манфаатлари мавқеида туриб, келажак интилишларида елкадош, якдил иш кўриши жамоатчилик фикрининг пировард натижада бир бутунлигини яратмоқда. Ким нима демасин, мен буни янги мустақил давлатчилик шароитида жуда катта ютуқ деб биламан: интилишлар ва майллар, нуқтаи назар ва муносабатлар, мулоҳаза ва қарашлардаги ранг-баранглик, эркинликни ифода этган ҳолда уларнинг барчасини маҳобатли гумбазнинг қобирғаларидек бир учга — ягона бир МИЛЛИЙ ФИКРга туташтиришда камтар мухбирларимизнинг ҳам катта гаплар айтишига арзигулик меҳнатлари бор. Бу фикр, мана, етти йилдирки, мустақилликни юз очдириш, унинг ҳур чеҳрасини одамларнинг кўнглига муҳрлаш, инсонга ўз эркинлик қадрини сингдириш, истиқлол тушунчасининг ўзини турли ғараз майл, ёт таъсирлардан пок асрашга, ҳурлик қарашларини дунёнинг илғор, олд етакчи ғояларига ҳамоҳанг қилишга хизмат қилди ва бунда ҳам, теранроқ ўйлаб қаралса, ҳали ўзи ҳам ўсиши, такомиллашиши керак бўлган оммавий ахборот воситаларининг ҳам катта улуши бор. Мустақиллик ғояси биз учун миллий мафкура эди, миллатнинг бундан кейинги тафаккур ўсишида ҳам у бош манба бўлиб қолажак.

Энди, табиийки, замон ўзгаряпти, биз ўсяпмиз, мамлакатимиз дунёнинг катта йўлларидан олдга кетиб бораётир, бу ҳаракат, бу юксалишларда фақат эркинлигимизга салламмо айтиш, фақат истиқлолни шарафлашнинг ўзи билан иш чекланмайди — айни шу ривож учун курашиш, Ватан, миллатнинг бугуни, келажаги учун ҳам ишда, ҳам фикрда меҳнат қилиш, тўғриғоғи қилаётган ишимизни бир карра масъулроқ, бир карра теранроқ тафаккур хизматига айлантиришимиз лозим. Токи, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси, ким қаерда нима юмушу қандай хурсандлигу ташвишда бўлмасин, унинг ўй-хаёллари тепасида бир мақсад — миллатнинг адл ривожи, соғлом келажаги, пок ахлоқи, олис мозийларга томир отган маданий қудратига масъуллик чарх уриб турсин! Шундай ёзгу иш матбуотнинг зиммасида. Бир миллий ғоя, барча қалбларни забт этадиган бир миллий мафкурани такомиллаштиришга хизмат — оммавий ахборот воситаларимизнинг бурчи. Матбуотнинг ишини мен шундай фикрлайман.

Ўзбекистон Президентининг «Жамиятимиз мафкураси халқни — халқ миллатни — миллат қилишга хизмат этсин», деган даъватини ана шундай долзарбликда тушунган ва мамлакатимиз раҳбарининг: «Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин», деган фикрларида эркин ҳуқуқий демократик фуқаролик жамияти шароитида оммавий ахборот воситаларининг иш услуби шундай бўлиши кераклиги айтилган деб ўйлайман.

Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавобларида миллий мафкура шу тарзда бутун афкор омма учун негиз, таянч, бош ғоя — миллий ғоя сифатида кун тартибига қўйилади ва бу умуман жамоатчилик фикрида, унинг ифодачиси ва яратувчи бўлмиш оммавий ахборот воситаларида янгича бир тафаккур ўзгаришларини — миллатнинг бардам ва бирдамлик келажагига хизмат қиладиган фикрий изланишларни шу маънода юзага чиқаради.

Матбуотчилар байрами арафасида мен ҳам бир қаламкаш сифатида ҳамкасбларимга қутлов гапларни, яхши тилакларни ўйлаётганда шу фикрларга хаёлим кетди ва янада кўпроқ масъулият сўрайдиган, ҳар бир фуқародан тортиб бир бутун миллатнинг омонлиги, толеи баландлиги ва тафаккури теранлиги ҳамда кўнгилхотиржамлигига дахлдор катта меҳнат — миллий ғояларга хизматда дўстларимга фидойи жасорат, Ватан, юрт истиқлоли ташвишида собит ирода тилагим келди.

**Аҳмад АЪЗАМ,**
**Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий сиёсий жамғармаси ҳамраиси**

## ЯНГИ ТАРОНАЛАР

*Танлов*

Мамлакатимиз мустақиллигининг етти йиллигига бағишлаб «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимияти томонидан ўтказилган миллий эстрада йўналишидаги «Янги тароналар» танлови Жиззах шаҳрида ниҳоясига етди.

«Ўзбекнаво» ташаббуси билан кейинги пайтларда турли йўналишларда ўтказилаётган кўрик-танловларнинг эътиборли жиҳати шундаки, уларда халқимиз ичидан етишиб чиқаётган янги-янги истеъдод эгалари кашф этилмоқда, талантли ижрочилар, бастакорлар талабчан устозлар олдида ўз маҳоратларини намойиш этмоқдалар. Айни пайтда бундай маданий тадбирлар халқимизга кўрсатилаётган маданий-маърифий хизмат даражасини ошириш, маданиятимиз, санъатимиз тараққиёти, муаммоларига доир жонли мулоқотлар ўтказиш, ёш талантларга ўз қобилиятларини тўғри баҳолаш ва йўналтириш имконини бермоқда.

Навқирон Жиззах шаҳрида ўтказилган «Янги тароналар» танлови ҳам айни шу жиҳатлари билан диққатга сазовор бўлди. Эътироф этиш керакки, вилоят ва шаҳар ҳокимиятлари, маданият бошқармалари кўрик-танловнинг юксак савияда ўтиши билан боғлиқ ҳамма ташкилий ишларни пухта бажардилар. Мамлакатимиз вилоятларидан келган ёш ижрочилар учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилди. Уч кун мобайнида шаҳарда чинакам қўшиқ байрами, мустақилликка шукроналик ҳисси ҳукм сурди. Театр залини тўлдириб ўтирган томошабинлар саҳнада ижро этилаётган ҳар бир қўшиқни талабчан ҳакамлардай тинглаб, баҳолардилар.

Танлов якунларига кўра **«Сороон» гуруҳи** (Тошкент вилояти) кўрикнинг ғолиби деб топилди. **«Сидериз»** ёш ижрочи қизлар тўртлиги, Фарғоналик яккахон эстрада қўшиқчиси **Шаҳло Рустамова,** жиззахлик **Фарҳод Иброҳимовларга** иккинчи ўрин насиб этди. Ўзининг бетакрор қўшиқлари билан тингловчилар қалбини ром этиб келаётган жиззахлик **Лариса Москалёва,** тошкентлик **Нилуфар Саитова** ҳамда **«Анор»** гуруҳи учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Замонавий эстрада қўшиқларини маҳорат билан ижро этган, ўз ижро йўлларида эътиборга молик ютуқларга эришаётган қўшиқчилардан **Дилфуза Раҳимова, Шухрат Қаюмов, Рустам Ҳожимамедов, «Бахром» гуруҳи, Даврон Довуров, Алишер Удаевларга** танловнинг махсус дипломлари ҳамда қиммабаҳо совринлар топширилди.

***

Гуллар шаҳри Наманган диёри ёшлик завқига, гўзаллик шавқига бурканиб кетди. Бу ерда мустақиллигимизнинг 7 йиллигига бағишлаб республика қўшиқлар байрами олдидан Ўзбекистон республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тасарруфидаги ўқув юртлари ижодий жамоалари кўрик-танловининг якунловчи босқичи бўлиб ўтди.

Кўрик-танловда 44 та жамоа ўз дастурларини намойиш этди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети бадиий жамоаси энг юқори балл тўплаб, танловнинг ғолиби бўлди. («Ўзбекистон — дўстлик диёри» қўшиғи, Аваз Мансуров мусиқаси, Нормурод Нарзуллаев шеъри).

Қорақалпоғистон Давлат университети, Самарқанд Давлат университети, Тошкент Давлат педагогика университети, Наманган муҳандислик-педагогика институти жамоаси, иккинчи ўринни, Бухоро Давлат университети, Андижон Давлат университети, Қўқон Давлат техника коллежи, Тошкент Давлат университети талабалари учинчи ўринни эгаллашди. Бир қатор ўқув юртларига рағбатлантирувчи мукофотлар, шунингдек, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси, «Камолот» жамғармаси, М. Улуғбек номидаги иқтидорли ёшларни қўллаш Республика жамғармасининг фахрий дипломлари, совринлар топширилди.

«Тинчлик» майдонида қўшиқ байрами ғолиблари ва меҳмонлар иштирокида бўлиб ўтган «Истиқлол юртининг дилбандларимиз» деб номланган томоша томошабинларда катта таассурот қолдирди.

**Ўз ахборотимиз**

*Қутлаймиз!*

## «НАВРЎЗ — БОҚИЙ БАЙРАМ!»

### *танлови ғолиблари*

***Наврўз халқимизнинг энг қадим ва мўътабар байрамидир. Бу улуғ шодиёнанинг ҳеч бир байрамга ўхшамайдиган жиҳатлари мавжуд, у халқнинг янада ҳамжиҳат, саховатли, меҳр-оқибатли бўлишига хизмат қилади. Бу қутлуғ байрамнинг бетакрор жиҳатлари ялт этиб кўзга ташланишида, янада оммавий тус олишида қалам аҳлининг хизмати беқиёсдир. Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш ижтимоий-сиёсий жамғармасининг «Наврўз — боқий байрам!» танловига тақдим этилган материалларнинг ранг-баранглиги ҳам бу борада ижодкорлар янада изчил изланаётганидан далолат беради.***

Танлов ҳайъати бу йилги Наврўз шодиёналарини кенг ва муфассал ёритишда **«Ўзбекистон овози»** газетаси ва **«Соғлом авлод** учун» журнали таҳририятлари, ижодкорлар орасида эса **«Халқ сўзи»** газетаси бўлим муҳаррири, журналист **Норқобил Жалил** ибрат кўрсатганлигини қайд этди, шу боис улар танловнинг рағбатлантирувчи мукофотига сазовор бўлди.

**«Наврўз-98» шодиёналарини энг яхши ёритган таҳририят учун»** ажратилган мукофотга Сурхондарё вилоятининг **«Сурхон тонги»** газетаси таҳририяти муносиб кўрилди.

**«Энг яхши мақола учун»** таъсис этилган биринчи даражали мукофот билан **Ўрол Ўзбек** («Қадрият» газетасида эълон қилинган «Қуёш соати» мақоласи учун), **Икром Искандар** («Маърифат» газетасида эълон қилинган «Наврўз хислатлари» туркум мақолалари учун) тақдирланди.

**Иккинчи даражали мукофотга** шу мавзудаги туркум мақолалари учун **Абдусаттор Тошимбетов** («Нурлы жол» газетаси) ҳамда **Жаҳонгир Ҳолиқов** («Марказий Фарғона» газетаси) сазовор бўлишди.

**Учинчи даражали мукофотга** эса саҳифани безаштдаги маҳорати учун **«Овози тожик»** газетаси ходими **Шерпўлат Вакилов,** радио орқали берилган эшиттиришлари учун журналист **Муҳайё Мирсаидова** муносиб кўрилди.

**Ҳамма кулиши... шарт эмас**

# МИНГ ЙИЛЛИК ЮЛДУЗ ЙЎЛИ

*Аҳмад ал-Фарғонийнинг 1200 йиллигига*

Халифа Хорун ар-Рашид даври (786-809)да Бағдодда «Байт ул-ҳикма» («Илмлар уйи») деб номланган, илмий марказ ташкил этилган бўлиб, унда халифалик ва унга бўйсундирилган бошқа мамлакатлардан келган олимлар, шоирлар, фазл ва турфа ҳунар кишилари йиғилган эди.

Илмий марказда олимлар астрономия, риёзиёт, жўғрофия ва бошқа табиий фанлар ҳамда фалсафа билан шуғулланганлар. Машҳур алломаларнинг асарларини юнон, санскрит тилларидан араб тилига ўгирганлар. Уларни илмий ва назарий томондан пухта ўрганиб, шарҳлар битганлар. Шундай улуғ ишларда ҳамюртларимиз Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар бир пайтда иштирок этиб, илмий фаолиятлари давомида буюк кашфиётлар очишга муваффақ бўлганлар. Бунда Аҳмад ал-Фарғоний ролини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир.

Тахаллусидан билиш мумкинки, Аҳмад ал-Фарғоний асли фарғоналик бўлган. Тарихий манбаларда айтилишича, у Қува шаҳрига яқин жойда таваллуд топган. Бошланғич таълимни ўз юртида олган ёш Аҳмад илмга чанқоқлиги, тиришқоқлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Шунинг учун ҳам у яқинлари билан бирга ўсмирлик чоғида халифаликнинг ҳам маданий, ҳам маърифий маркази бўлган Бағдод шаҳрига келиб, у ердаги мадрасаларда улуғ мударрислардан сабоқ олади. Аҳмад ал-Фарғоний толиблик чоғида астрономия фанига ўзгача меҳр, қизиқиш билан ёндошади. Соҳага оид барча илмий асарларни пухта ўрганади. Шунингдек, у яна риёзиёт, жўғрофия, мантиқ, илоҳиёт, фалсафа каби фанлар билан ҳам қизиқади. Ёш олимни айниқса, осмон жисмлари, сферанинг кўриниши ва тузилиши ўзига ниҳоятда жалб қилар эди. Аҳмад фазовий жисмларнинг узоқлик масофасини, жойлашув кенглигини, оралиқ масофаларини қуруқ қўл билан ўрганиб бўлмаслигини чуқур ҳис қила бошлади. Фарғонийда кузатиш ва ўлчаш асбоблари яратиш фикри туғилади. Астролябия ёки устурлаб деб номланган бу асбобни у доира шаклидаги ёғоч тахтага ўрнатади. Доиранинг ичида унинг 75 фоизини эгаллаган айлана, унинг ичида эса яна бир кичик доира бор эди. Шу доира ичидан ўрин олган белгилар аниқ ҳисоб-китоб қилиш учун хизмат қилар эди. Аҳмад устурлабдан амалда фойдаланиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилгач, у ҳақда махсус рисола ёзишга жазм қилади.

Ёш изланувчан толиб худди шу вақтда тақдир тақозоси билан Бағдодда даврининг машҳур олими Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий билан учрашади. Буюк олимни ёш йигитчанинг етук илми лол қолдиради. Уни айниқса, ёш олимнинг устурлаб ва у ҳақдаги «Китоб ул-комил лил Фарғоний фи устурлаб» рисоласи қизиқтириб қолади. Хоразмий дарҳол рисоласи «Байтул ҳикма»да муҳокамага тавсия этади. Замонасининг маълум ва машҳур олимлари Аҳмаднинг ҳали ниҳоятда ёшлиги туфайли шубҳага бориб, саволга тутадилар. Тўлақонли жавоблардан Аҳмаднинг билимдонлигига, кўплаб илмий асарлардан хабардор эканлигига амин бўладилар. Мажлис аҳли дарҳол Аҳмад ал-Фарғонийни «Байтул ҳикма»га ишга олишга қарор қиладилар. Бу ёш аллома учун кўрсатилган катта ишонч ва мурувват эди. Аҳмад бу ишончни оқлаб, келажакда катта кашфиётлар муаллифи бўлиб оламга танилди.

Ўз асарларини араб тилида битган Аҳмад ал-Фарғонийнинг табиий ва илмий кашфиётлари ўз аксини топган машҳур асарлари кейинчалик ғарбликлар томонидан лотин ва бошқа ғарбликлар тилларига таржима қилинди. Манбаларга қараганда, алломанинг номи лотин тилидаги адабиётларда Алфраганус деб талаффуз қилинган ва ёзилган. Ғарбликлардан Даламбо, Брокельман, Х. Зетур, И. Ю. Крачковский, А. П. Юшкевич ва Б. А. Розенфелдлар Аҳмад ал-Фарғоний ижодини юқори баҳолаганлар. Унинг «Осмоний жисмлар ҳаракати ва юлдузларга оид билимлар тўплами» асари XII асрнинг ўрталаридаёқ Ғарбда маълум бўлган. Бу асарни 1537 йилда Меланхтон Нюрнбергда, 1590 йилда Я.Христман Франкфуртда лотин тилида нашр эттирган. 1669 йилда эса Амстердамда Голиус уни араб ва лотин тилларида қайта чоп қилган. Бундан кўриниб турибдики, фан оламида унинг асарлари машҳур бўлган.

828 йилда Бағдод ва Дамашқда олиму фузалолар астрономия ва жўғрофияга оид қатор илмий изланишларни амалга оширадилар. Бу ишларда асосан «Байт ул-ҳикма» мутасаддилари қатнашар эдилар. Тахминларга қараганда, халифа Маъмун (Хорун ар-Рашиднинг ўғли Абдуллоҳ)нинг ўзи ҳам бунда иштирок этишга ҳаракат қилган. Ана шу тадқиқотлар натижасида астрономия ва географияга оид маълумотлар жамланади ва астрономик жадвал юзага келади. Халифа Маъмун бу ишларнинг илҳомчиси, ҳомийси ва иштирокчиси бўлгани учун олимлар унга ҳурмат юзасидан жадвални «Азиж ул-Маъмун ал мум-тахан» («Текшириб чиқилган Маъмун жадвали») деб атайдилар. «Маъмун жадвали»нинг яратилишида Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва ал-Фарғоний фаол иштирок этганлиги тахмин қилинади. Чунки жадвал кашф қилинганидан кўп ўтмай Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Аҳмад ал-Фарғонийлар ҳар бири ўзича шу соҳага доир асар яратадилар. Ал-Фарғоний китобининг номи «Китоб ул-ҳаракот ас-самовиййа ва жавомеъ илм ан-нужум», яъни биз юқорида номини зикр этган «Осмоний жисмлар ҳаракати ва юлдузларга оид билимлар тўплами» эди. Қизиғи шундаки, «Маъмун жадвали»нинг ўзи бизгача етиб келмаган, унинг борлиги ва мазмунини алФарғонийнинг жадвалидан тахмин қилиш мумкин, холос. Бу жадвалнинг 1831 йилда кўчирилган бир қўлёзма нусхаси ҳозир Санкт-Петербургдаги Шарқшунослик институтининг асровида сақланади. Бизга Аҳмад ал-Фарғонийнинг астрономияга алоқадор саккиз асари маълум.

1. «Осмоний жисмлар ҳаракатлари ва юлдузларга оид билимлар тўплами». Бу китобни «Астрономия асослари ҳақида китоб» номи билан ҳам аташади. Қўлёзма нусхалари дунё кутубхоналарининг деярли барчасида сақланади.

2. «Устурлаб ясаш ҳақида китоб». Нусхалари Берлин, Лондон, Машҳад, Париж, Теҳрон кутубхоналари асровида сақланади.

3. «Устурлаб билан амал қилиш ҳақида китоб»ининг биргина қўлёзма нусхаси Ҳиндистоннинг Рампур шаҳрида бор.

4. «Ал-Фарғоний жадваллари» асарининг қўлёзма нусхаси Патнада (Ҳиндистон) сақланади.

5. «Ойнинг ер ости ва ер устида бўлиш вақтларини аниқлаш ҳақида рисола». Қўлёзма нусхаси Қоҳирада сақланади.

6. «Етти иқлимни ҳисоблаш ҳақида» асарининг қўлёзма нусхалари Қоҳира ва Готада сақланади.

7. «Қуёш соатини ясаш ҳақида китоб». Қўлёзма нусхалари Халаб ва Қоҳирада сақланади.

8. «Ал-Хоразмий «Зиж»ининг назарий қарашларини асослаш» асарининг ёзилгани ҳақида фанда Беруниийнинг қўлёзмаларидан маълум. Қўлёзмаси топилмаган.

Юқорида айтганимиздек, номи зикр этилган илмий асарларнинг биринчиси 1145 йилдан бошлаб лотин ва бошқа тилларга бир неча ўнлаб марта таржима қилинган. Нашрларнинг барчасини ал-Фарғоний исми «Алфраганус» шаклида берилгани учун унинг номи фанга шу шаклда муқим кириб қолган.

Алломанинг таржимаи ҳоли ҳам унинг қўлёзмаларидаги сана, у яратган янгиликларнинг манзили, у билан ишлаган одамларнинг қўлёзмаларига асослаб тикланган. Хусусан, олим халифа Мутаваккилнинг топшириғи билан Нил дарёси сувини ўлчаш учун махсус асбоб яратади.

Аҳмад ал-Фарғонийнинг номи Хоразмий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбеклар сингари Шарқу Ғарбда маълум ва машҳурдир. Уйғониш даврининг буюк олими ўз кашфиётлари билан табиий-илмий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшган шахс сифатида Шарқ ва Ғарб олимлари асарларида ҳурмат билан тилга олинади, ўрганилади. Бугунги истиқлолий кунларимизда олимга ўз юртида ҳам эътибор кучайиб, ўқув юртлари, хиёбонлар, кўчаларга унинг номи берилмоқда. Асарлари қизиқиш билан ўрганилмоқда, тадқиқ этилмоқда. Бу буюк олимнинг абадиётга дахлдорлигидан дарак-дир.

**Суннат АЗЛАРОВ,**
**«Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси етакчи мутахассиси**

# ЎЗ ЎРНИДАГИ ИШБОШИ

*Маданият жабҳаларида*

Раҳмон Самадов Мирзаобод туманига ишга келганида мусиқа мактаби ҳозирги «Дўстлик» хўжалигидаги эски клуб биносида эди. Мусиқа мактабининг номи бор-у, лекин ўзи йўқ даражада. Нима қилиш керак? Санъатда озми-кўпми танилганига суяниб, ўзига топширилган бу мактабни мустаҳкамлашга бел боғлади.

Туман раҳбари қабулига борди. У Раҳмонни диққат билан эшитди. Мусиқа мактабини туман марказига кўчиришни маъқул топди-ю, лекин муддатини айтмади.

Раҳмон вақтни бекорга ўтказмади. Мактабга Гулистон шаҳридаги санъат билим юртидан, мусиқа мактабидан малакали домлаларни жалб қила бошлади. Мусиқа мактаби жамоаси шундай бутланди. Энди уни марказга кўчириш масаласини яна кўтариш керак эди. Туман марказидаги меҳмонхона анчадан бери Раҳмоннинг диққатини тортиб келарди. Вилоят маданият бошқармасининг қулай бино сотиб олиш юзасидан рухсатини олган директор яна котиб ҳузурига йўл олди. Вилоятдаги меҳмонхонани тўлдириш муаммо бўлаётган бир пайтда, шаҳарнинг ёнгинасида яна бир меҳмонхонанинг савлат тўкиб бўш туриши шартмикин?

Раҳбар Раҳмоннинг лўнда гапларини эшитди-да: «Туманга келганингизга қанча бўлди?», деб сўради. Раҳмон бундай саволни кутмаганди, гапларим унга ақл ўргатишдай бўлди, деб ўйлади у. Лекин котиб жиддий сўраётган эди.

— Албатта, мен ҳали кўп ишлаганимча йўқ, — деди у. — Лекин мусиқа мактабига ҳам, қолаверса, туман маданият бўлимига ҳам алоҳида бошпана керак...

Раҳмон Самадов бу ердан ҳам мамнун, ҳам бироз мулзам бўлиб чиқди, назарида, ўзига амал сўраб киргандай бўлди. Муҳими, мақсадига етди: меҳмонхона биноси маданият бўлимига ва мусиқа мактабига бериладиган бўлди. Раҳмонга эса туман маданият бўлимини бошқариш вазифаси юклатилди. Шу ҳақда у анча ўйлаб юрди: тўғри қилдимми ёки йўқми, деб. Бола йиғламаса, она кўкрак тутмайди, дея юпатди ўзини. Асосийси, ўзи учун муҳим хулоса чиқарди: раҳбарият бирор ишни атайин четга сурмайди, фақат ўшани вақтида эсга солиб, ижтимоий аҳамиятини билдириб турадиган ходимлар керак. Ташаббускорлар йўқлиги ёки бўлса ҳам масалани, муаммони кўндаланг қўймаганлиги учун улар эътибордан четда қолади...

Сирдарё вилоятидаги қўриқ, кенжа Мирзаобод туманида маданият ишларини йўлга солиш, кадрлар билан бутлашнинг ўзи бўлмади. Ойлик учун эмас, орият учун ишлайдиган фидойиларни жамлаш, топиш, уларнинг ватанпарварлик туйғуларини жунбушга келтириш лозим. Раҳмон одамлар қалбидаги ана шундай торларни топди ва улардан мақсад йўлида фойдалана билди. Ишнинг кўплиги уни чўчитмасди, аксинча, мутахассис-маслакдошларнинг камлиги, келганларига ҳам шарт-шароитнинг йўқлиги чўчитарди. Шунга қарамай, унда ажиб бир ишонч учқуни порлар, ишларнинг боришидан, одамларнинг кайфиятидан қониқиш ҳосил қилар эди. Раҳмон Самадов энди тўй-томошаларга кам борадиган, борса ҳам аввалгидек ашула айтишни қўйган, тингловчи бўлиб қолган эди.

Унинг ўрнига — мусиқа мактаби директорлигига тайинланган Аҳрор Орипов ҳам жонкуяр чиқди. Мактабни кўчириш, кадрларни жалб қилиш, меҳмонхонадан бўшаган бинони таъмирлаш ишларини зиммасига олди.

Р. Самадов директор бўлиб юрган кезлари разм солиб юрган эди. Тумандаги 1 ва 21-мактабларнинг директорлари санъатсевар, шоиртабиат одамлар. Ана шу мактабларда ҳаваскорларни тўплаб, ансамбллар ташкил қилса бўлади. Шаҳриниса Жумаева ҳам, Баҳодир Розиқов ҳам маданият бўлимининг янги мудири кўтарган ташаббусни бажонидил қаршиладилар. Б. Розиқов бу масалада, ҳатто вилоят маданият бошқармасига ҳам мадад сўраб борган, ўзи мактабда аллақачон ишни кенг кўламда бошлаб юборган эди. Энди эса санъатсеварлар, туман шаъни ва шавкати учун курашда маслакдошлар топишган эдилар. Ҳар икки мактабда ҳам расман ҳаваскорлик жамоалари ташкил этилди: «Зилола» ва «Дилрабо» ансамбллари қатнашчиларини кийинтириш, мусиқа асбоблари билан таъминлаш ишлари кетма-кет ҳал бўла бошлади. Вилоят маданият бошқармасидаги мутасаддилар ҳам қараб туришмади. Мирзаободликларнинг ишлари уларни ҳам хушнуд этаётган эди.

Вилоят мусиқали драма театрининг таниқли актёри Раҳим Ҳасанов Раҳмоннинг илтимосига кўра ишдан бўш вақтларида туманга келиб, маданият бўлими қошида мақомчилар гуруҳини ташкил эта бошлади. Кутубхоналар бирлашмаси ташкил этилди ва унга кутубхонашунос-мутахассис директор қилиб тайинланди. Маданият бўлими ходимлари ҳар бир учрашув ва тадбирдан сўнг уни муҳокама қилишни, мулоҳазаларини очиқ айтишни қатъий йўлга қўйдилар. Ишларни шу тарзда таҳлил қилиш, кейингисини олдингисидан яхшироқ ўтказишга интилиш Раҳмоннинг атрофида ишлаётганларнинг иш услубига айланди. Вилоят театри саҳнасида ранго-ранг образлар яратиб, туман мақомчилари билан иш олиб бораётган Раҳим Ҳасановга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилди. «Зилола» ва «Дилрабо» ансамблларининг «халқ ансамбли» номини олдилар. «Наврўз» мақомчилар ансамбли эса республика мақомчилари кўрик танловида иккинчи ўринни олди.

Ансамбл ҳамон изланишда, репертуарини янги, мумтоз ашулалар билан бойитмоқда. Раҳим Ҳасанов туманнинг янги-янги истеъдодларини кашф этмоқда. «Зилола», «Дилрабо» ансамбллари мамлакатимиз пойтахти Тошкентда ўтаётган тадбирларда ҳам иштирок этмоқдалар. Бундан 10-12 йил илгари Р. Самадов елиб-югуриб қилган меҳнатининг самараси бу. Агар у ва унга эш бўлган санъат шайдолари ўз роҳатларини ўйлаганларида туманда шундай ҳалқ ансамбллари бўлармиди?

Маънавият лоқайдликни ёқтирмайди. Раҳмон Самадов фақат ўзини ўйлаганида, Худо берган хуш овози билан тўйма-тўй кезиб юрган бўлар эди. Аҳрор Ориповга Гулистон шаҳрида ҳам иш етарли эди — санъат билим юрти, мусиқа мактаби, корхоналар бадиий ансамбллари. Республика халқ ўқитувчиси Баҳодир Розиқовнинг ҳам ҳурмати ўзига етарди. ЮНЕСКО мактаблар тизимига қабул қилинган вилоятдаги ягона мактаб директори деган шарафнинг ўзи қанчалар жарангдор.

Ҳозир бу маслакдошлар ўз сафларига яна янги санъатсевар фидойиларни жалб этмоқдалар. Кейинги йилларда туман тадбирларини ўтказишга Р. Самадов вилоят театрининг таниқли актёри, театршунос Адҳамжон Абдуллаевни жалб этди. Мустақиллик ва Наврўз байрамлари унинг сценарийи асосида жуда қизиқарли ўтмоқда.

Р. Самадов доимо бирор тадбирни ўйлаб ёки ҳозирлик кўриб юрган бўлади. Болалар оромгоҳига ансамблни жўнатиш, пахта далаларидаги ҳашарчиларга кўчма кутубхона чиқариш, кўргазмали ташвиқот воситаларини алмаштириш, қўйинг-чи, иш кўп. Пахта йиғимтерими бошланса, у туман ҳашарчиларига сардор бўлади.

Ҳозир туман маданият бўлими ходимлари, бадиий жамоалар республикамиз мустақиллигининг 7 йиллигига тайёргарлик кўрмоқдалар. Р. Самадов эса ансамбл аъзоларини янги кийим-бош, мусиқа асбоблари билан таъмин этиш муаммоларини ечиш билан банд. Вилоят маданият бошқармаси бошлиғи Йўлдош Норбўтаев Р. Самадов ҳақида фахр билан гапиради. Маданият жабҳаларида шундай фидокорлар бош бўлса, иш ҳам олға босаверади.

**Илёс ҚУВОНДИҚОВ**

# ТАСВИРНИНГ СИРЛИ ОЛАМИ

*Таклиф*

Борлиққа, табиат ва бутун мавжудотга мусаввирнинг кўзи билан қараб кўрганмисиз? Ёки: мусаввир сизу биз кўриб турган дунёни бутунлай ўзгача назар, ўзгача нигоҳ билан кўради, тамомила ўзгача бир тусда тасвирлайди, десам ишонасизми?

Оддий кўз билан қаралганда табиий бўлиб кўринган гулдаста мусаввир назарида ажиб бир кўриниш касб этиши мумкин. Биз манзара ёки воқеликдаги рассом акс эттирган чуқур фалсафий маънони англашга қийналмаймизми? Умуман, оддий томошабин нуқтаи назаридан фарқли равишда, асарнинг тилини, композициясини, фалсафий моҳиятини англай оламизми?

Тўғри, дунёқараши, онги, тафаккури кенг инсон санъат асарини кузатиб, ўзи учун нималарнидир кашф эта олар. Лекин ҳар доим ҳам бирор-бир манзаранинг тасвири ёки воқеликни акс эттирган асар, руҳий ҳолат кўринишлари, рассомнинг чуқур фантазияси билан суғорилган асарни биз зарур даражада тушуниб олавермаймиз. Ўшанда томошабинга, қолаверса, санъатнинг ҳақиқий шайдосига тасвирий санъат билимдони, унинг чуқур таҳлилчиси, яъни тасвирий санъат журналисти ёрдамга келиши керак. Журналист халқнинг тили, унинг қалби, таржимони деймиз. Тўғри, журналист қай бир соҳани ёритмасин, шу соҳанинг билимдонига айланиши керак. Демакки, тасвирий санъатнинг, рассомчиликнинг ҳам алоҳида ўз журналистика мактаби бўлиши керак, назаримизда. Чунки тасвирий санъат борасида қалам тебратган журналистларимиз аксарият ҳолларда мусаввир яратган асарнинг шаклини баён қилиш билангина чекланиб қоладилар. Зеро, ҳар бир асарда шакл сингари мазмун ҳам бўлганидек, асарнинг туб моҳиятига кириб бориб, уни ҳақиқий рассом нуқтаи-назаридан келиб чиқиб тушунтириш, таҳлил этиш бу тасвирий санъат журналистининг муҳим вазифасидир. «Таълим тўғрисидаги» қонун ва «Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур»ни амалга ошириш борасида республикамиз таълим тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилаётган бир пайтда масаланинг бу томонига ҳам эътибор бериш зарур деб ҳисоблайман.

Ҳали Шарқ ва Ғарбнинг буюк мутафаккир рассоми Камолиддин Беҳзоднинг машҳур асарлари, унинг такрорланмас миниатюра мактаби, замонамизнинг моҳир ва машҳур рассоми, марҳум Чингиз Аҳмаров мактаби, қолаверса, ўзига хос санъат дурдоналарини яратган академик рассомларимиздан Малик Набиев, Рўзи Чориев, Жавлон Умарбеков, Алишер Мирзаев, Баҳодир Жалолов каби ўнлаб рассомларимиз ижоди мутахассис-журналистлар нуқтаи-назаридан очиб берилмаган.

Жаҳон тасвирий санъат ихлосмандларини лол қолдирган Леонардо Да-Винчи, Микеланжело, Рафаэл, Рембрандт каби сиймоларнинг буюк асарлари ҳақида ўнлаб, юзлаб тақризлар ёзилган, улар юзасидан қатор илмий тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамай, уларнинг ўлмас асарлари ҳамон ўз моҳиятини йўқотмаган, аксинча, яна қанча илмий изланишлар олиб борилиши кераклигини тақозо этмоқда. Леонардо Да-Винчининг «Мона Лиза»си неча асрлардан буён яшаб келмоқда. Бизнинг замонамизнинг ҳам ана шундай тўгал асарлар мажмуасини яратган иқтидорли рассомларимиз оз эмас. Назаримда, ана шу рассомларимизнинг тўлақонли асарлари фақат рассомлар орасида ёки шу соҳада етишиб келаётган ўқувчи-талабалар орасидагина муҳокама қилиб келинмоқда, холос. Тўғри, Ўзбекистон Бадиий академиясининг ташкил қилиниши, Миллий рассомлик ва дизайн институтининг фаолият ёритаётганлиги бу соҳа ходимларининг ишини анча жонлантирди. Бир йил давомида Марказий кўргазмалар залида 100дан ошиқ катта-кичик кўргазмаларнинг кенг томошабинлар эътиборига ҳавола этилиши қувонарли ҳол.

Лекин бу томошабин ҳали рассом яратган асарни тўлатўкис тушуниб олди ва мухлисга айланди, деган гап эмас. Тасвирий санъатнинг графика, рангтасвир ва ҳайкалтарошлик каби турлари ва бир қатор жанрларига мансуб асарларни оддий томошабин учун тушунарли қилиб етказиб бериш тасвирий санъат журналистикаси олдида турган муҳим ва долзарб вазифалардандир.

Шундай экан, бадиий таълимни ривожлантириш, ундаги мавжуд муаммоларни ечиш учун ҳаракат қиланаётган бир пайтда рассом-ўқитувчилар тайёрлаш қанчалик муҳим ва зарур бўлса, тасвирий санъатнинг нозик ва ҳар бир киши ҳам илғаб олавермайдиган томонларини кенг томошабинга батафсил изоҳлаб, асарнинг ички фалсафасидан келиб чиқиб, уни рассом билан теппа-тенг тушуна оладиган ва тушунтириб берадиган журналист кадрлар тайёрлаш зарур. Бу соҳада қалам тебратувчи санъат журналисти рассомлик санъатининг нозик руҳиятини, ранглар уйғунлиги, қолаверса, пластик анатомиясини ҳам пухта эгаллаган бўлиши керак.

**Феруза ШОДИЕВА**

# ЁШ ОЛИМЛАР ИЛМИЙ АНЖУМАНИ

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида Ўзбекистон ёш адабиётшунослари анъанавий илмий анжуманининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Анжуманни институт директори, профессор Т. Мирзаев кириш сўзи билан очди ва бошқариб борди. Шундан кейин тадқиқотчилар кун тартибига қўйилган илмий маърузаларини ўртоқлашдилар. «Хожагон Нақшбандия тариқати шайхларининг Навоий «Хамса»сидаги талқини» мавзуси бўйича маруза қилган Н. Ғаффоров, «Оғаҳий маснавийларида муштарак шеър санъатлари» маърузачиси А. Пиримқулов ва «Яссавий ҳикматлари ва «Жавоҳир ул-аброр»да зикр талқини номидаги Н. Ҳасановнинг чиқишлари алоҳида қайд этилди. Айниқса, Хоанг Лиеннинг «Кавабата Ясунари (Япония)нинг ҳаёти ва ижоди» бўйича қилган маърузаси кўпчиликда катта таассурот қолдирди.

Анжуман сўнггида олимларимиздан А. Абдуғафуров, К. Имомов ва М. Жўраевлар тадқиқотчиларнинг ишларини таҳлил қилишди. Анжуман қатнашчиларидан 15 кишига институт ходимлари чоп этган илмий китоблардан совға қилинди ва маруза матнлари «Тил ва адабиёт» журналига тўлалигича чоп этиладиган бўлди.

**Ғафур ЭШМОНОВ**

*Кўргазма залларида*

# ШАКЛ ВА РАНГЛАР БЕТАКРОРЛИГИ

Ўзбекистон Бадиий академияси томонидан ташкил этилган сувбўёқ ва ҳайкалтарошлик асарлари республика кўргазмаси Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти биносида очилди.

Кўргазмада сувбўёқ асарлари усталаридан М. Содиқов, Е. Владиморов, Д. Мурсалимов, Р. Абдулгалимов, Р. Тоқтош, Т. Лисова, О. Холмирзаев, В. Луконин, К. Иброҳимов кабиларнинг ижодидан намуналар ўрин олган.

Ҳайкалтарошлар М. Бородина, У. Мардиев, А. Авакян, Т. Тожихўжаев, М. Гасимов, Б. Мухторов, А. Ҳотамов, В. Малахов, С. Шарипов, Л. Рябцев, Л. Нестерович, А. Овесепян, А. Котлов, Мусабоев ҳамда сопол идишлар устаси К. Асроров асарлари санъат ихлосмандларида катта таассурот қолдириши шубҳасиз. Зеро, асарлар нафақат мавзуи, балки ишланиш услуби, материали ва ниҳоят композицион ечими билан жуда қизиқарли бўлиб, бетакрор шакл ва рангларга эгадир.

**Рустамжон ЭРМАТОВ,**
**санъатшунос**

*«Ҳосил–98»*

# ХИРМОНЛАРГА УЙИЛДИ ДОН

Бу йилги ғалла ҳосили, хирмонларга уйилаётган мўл донимиз элимиз кўнглини тоғдай кўтариб, озод юрт одамларига фаровонлик бахш этаётир. Мустақиллик йилларида ғалла майдонларимиз анча кенгайиб, айниқса сувли ерларда дончилик ўзининг ҳақиқий ўрнини эгаллаб бораётганига қарамай шу чоққача бу майдонларнинг аксариятидан олинаётган ҳосил кўнглимизни тўлдирмай келаётгани ҳеч кимга сир эмасди.

Бу йилдан бошлаб эса манзара тубдан ўзгара бошлади. Бунга бир жиҳатдан йилнинг ғаллачилик учун мос келганини сабаб деб билсак, иккинчидан, балки энг асосийсидир, деҳқонларимизда ҳам, зироатчиликда банд бўлган ишбошиларимизда ҳам ғаллачиликка муносабат яхши томонга ўзгара бошлаганини ҳам қайд этмасдан бўлмайди. Мана биргина мисол. Хоразм вилояти деҳқонлари ўтган йили сувли ғаллазорлардан гектар бошига 40 центнердан ҳосил кўтарган бўлсалар, улар бу йил ҳар гектар ердан 50 центнердан ғалла ҳосили олдилар. Бу дегани — бу йил ҳар гектар ер ўтган йилгига қараганда йигирма қопдан унни кўп берди. Бу бутун бир деҳқон оиласи дастурхонидан йил бўйи иссиқ нон аримайди дегани. Бундай серҳосил ғаллазорлар Хоразмда оз эмас.

Энди тасаввур қилинг: қани бутун Ўзбекистондаги жами ғаллазорлар ҳар гектардан шунчадан ҳосил берса. Унда деҳқон дўпписини осмонга отган, тилидан қўшиқ асло тушмаган бўларди. Бундай юқори ҳосилдорликка эришадиган кунимиз ҳам узоқ эмас. Мамлакатимиз йўлбошчиси бу масалага ниҳоятда катта эътибор бермоқда. Президент Ислом Каримовнинг яқинда Андижон ва Фарғона вилоятларига қилган сафарлари, бу сафарлар чоғида ғалла уруғчилиги масалаларига раҳбарларнигина эмас, бутун халқимиз эътиборини жалб этгани шундан далолатдир. Собиқ шўролар тузуми даврида асосий эътибор пахтачиликка қаратилиб, ғаллачилик, энг асосийси унинг уруғчилиги масаласи бутунлай ўз ҳолига ташлаб қўйилган эди. Бунинг оқибатида далалар ниҳоятда кам ҳосилли бўлиб, айрим йилларда ҳатто сепилган уруғ миқдорида ҳам ҳосил олинмасди.

Энди аҳвол бутунлай ўзгараётир. Айрим далаларда яхши навлар уруғи танлаб экилиб, етмишсаксон центнердан ҳосил етиштираётган уста зироатчиларимиз эл кўзига танилиб бормоқда.

Андижон вилояти ғалла уруғчилигига ихтисослашаётганлиги кўпчиликка маълум. Президентимиз барча вилоятларда ҳам уларнинг ўз иқлим шароитларига мос ғалла уруғчилигини йўлга қўйиш зарурлигини вилоятлар раҳбарлари зиммасига катта вазифа қилиб қўйди. Бу вазифанинг асл моҳиятини чуқур англаб иш қурадиган, ўз элининг ташвишини елкасига ола биладиган мардлар бош бўлган ҳудудларда, иншоолло, бу муаммо ҳам тез ҳал бўлишига шубҳа йўқ. Бугун ғалласи ўриб олинган далаларига пешма-пеш бошқа такрорий экинларни, сабзавот-полиз неъматларини, дони ёғ берадиган экинларни танлаб экаётган барча зироатчиларимизга омад ёр бўлишини тилаймиз.

# ЯНГИЛИККА ТАШНА МУСАВВИР

Мусаввир Ортиқали Қозоқовнинг номи бугунги кунда кўпчиликка яхши таниш. Унинг асарлари шуҳрати чет элларда ҳам маълум ва машҳур. Яқинда пойтахтимиздаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида Ортиқали Қозоқов асарларидан 86 тасини ўз ичига олган рисола-албом нашрдан чиқди. Албомда журналист ва санъатшуносларнинг О. Қозоқов ижоди ва асарлари таҳлилига бағишланган мақолалари ўзбек ва инглиз тилларида чоп этилган. Айниқса, таниқли шоира Ойдин Ҳожиева, адабиётшунос Иброҳим Ғафуровнинг «Ўзбекона шодликлар», «Эркинликнинг ҳайрати» мақолалари самимийлиги, рассом ижодига берилган холисона баҳоси билан диққатни тортади. Шунингдек, Лайло Каримова, Темур Убайдулло, Гулчеҳра Умарова, Ўлжабой Қаршиев, Адиба Ғойибова, Абдунаби Ҳайдаров, Ғафур Шермуҳаммадлар ҳам О. Қозоқов ижодининг турли қирралари ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар.

Албом муқовасида рассомнинг «Тахтиравон»деб номланган асари берилган. Ўзбекистон халқ рассоми, академик Баҳодир Жалолов эса шундай деб ёзган: «Ортиқалида ҳамма нарса бор. У фақат ўзига ўхшаган дунёқараш соҳиби. Мусаввиримиз қайтариқларни хуш кўрмайди. Ҳар бир асарида янгилик яратишга интилади. Бадиий топилмаларни санъат шайдолари билан баҳам кўради. У ўзбек рассомчилик санъатининг ёрқин юлдузларидан биридир».

Рассом билан бўлган суҳбатда ушбу албомнинг дунёга келишига ҳисса қўшган «Ўзприватбанк», «Шарқ» концерни ҳамда Ҳамза тумани ҳокимлигига миннатдорчилик билдирди.

16 босма табоқдан иборат, 6 минг нусхада босилган албомни рассом Музаффар Аъламов безаган.

**Г. ФАЙЗИЕВА**

Садриддин
**САЛИМ БУХОРИЙ**

# ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА ҲИКМАТДУР ДУНЁ

* * *

Иллат излаганга иллатдур дунё,
Ғурбат излаганга ғурбатдур дунё.
Ким нени изласа топар бегумон,
Ҳикмат излаганга ҳикматдур дунё.

* * *

Майсаларни босиб юрибсан
Боқмай дунё баланд-пастига,
Бир кун сени, эй ғофил кимса,
Олар майса оёқ остига.

## БУХОРОЛИК МАСНАВИЙХОН ОРИФБОБОГА

Бу уйда ҳеч кимга берилмас озор,
Бу кулба жаннатга ўхшайди.
Ҳаттоки чумоли, қўнғиз, сичқонлар
Бу уйда беозор яшайди.

Бу уйни нурабти, муваққат дема,
Қалдирғочлар бу уйда маҳрам.
Шу уйдан чиқару шу уйга ботар,
Кўрмайсанми, ҳатто қуёш ҳам.

Бу уйнинг буйраси гилам саналар,
Мушук билан қушлар ўйнайди.
Бу уйнинг паст томи осмонга етган,
Вассажуфт Аллоҳни ўйлайди.

Бу уйда ҳеч кимга берилмас озор,
Бу кулба жаннатга ўхшайди.
Бу уйда шариат камол топгандир,
Бу уйда тариқат яшайди.

## БУХОРОГА БУХОРО КЕЛДИ

*(Шу номли туркумдан)*

I

Бухорога нур зиё келди,
Иймон келди, шарм-ҳаё келди,
Бухорони зулмат этди тарк,
Бухорога Бухоро келди.

Нақшбандни қувганлар кетди!
Қуръонни-да ёққанлар нетди?
Бари бадном бўлди-ю ўтди,
Бухорога Бухоро келди.

Эй Бухоро! Мўйсафид онам!
Сен муқаддас Маккам, Мадинам!
Таърифингга ожиздур қалам,
Бухорога Бухоро келди!

2

Бухоронинг обидалари
Минг йиллардан беради хабар:
«Хор бўласан, мутеъ бўласан
Буюклигинг унутсанг агар!»

Бухоронинг обидалари
Ҳикмат эрур мозийдан, инон,
«Буюкларни буюк айлаган
Эътиқоду эрк ҳамда иймон!»

Бухоронинг обидалари
Ҳар кун янги ҳикмат айтади,
Ўтмишни-да, келажакни-да
Мен томонга олиб қайтади.

* * *

Ҳар нафасда шукр айла, ҳар нафас ғаниматдур,
Асли ёр ҳавас айла, ҳар ҳавас ғаниматдур.

Руҳ қафасда талпингай, руҳ қафасни тарк этгай,
Тан руҳидан айрилгай, бу қафас ғаниматдур.

Дод айлама нокасдин, отмагил аларга тош,
Кўзни очгил, эй ғофил, кас-нокас ғаниматдур.

Ҳар нафас ўтар, э воҳ, қайтиб келмагай, э воҳ!
Ҳар нафасда шукр айла, ҳар нафас ғаниматдур.

* * *

Эй вужуд, тупроқсану тупроқдан ибрат олмадинг,
Эй умр, япроқсану япроқдан ибрат олмадинг.

Эй қўнгил, Аллоҳ назаргоҳи эрурсан, не сабаб,
Мен тиниқ ирмоқ дединг, ирмоқдан ибрат олмадинг.

Неча ранжу ҳар бало тўлқини келса басма-бас,
Ўзни қирғоқ деб атаб қирғоқдан ибрат олмадинг.

Кўзини тикди алар байроғимиз сенсан дебон,
Мен туғу байроқ дединг, байроқдан ибрат олмадинг.

Эй вужуд, тупроқсану тупроқдан ибрат олмадинг,
Эй умр, япроқсану япроқдан ибрат олмадинг.

# «ҲАЖР ШОМИДА НАВО ЧЕКТИМ...»

*Тадқиқот, ахборот*

Қатрада денгиз акс этгани каби қадимдан то ҳанузгача назм аҳли халқнинг тили, кўзгуси сифатида эътироф ва эҳтиром этилган.

Маълумки, мумтоз адабиётимиз ана шундай нуқтагўй суханварлари билан бир қаторда Нодира, Увайсий, Маҳзуна каби беназир истеъдод соҳибларига ҳам эгадирки, уларнинг ашъорий музайянлари нафақат руҳиятимиз дуржини зийнатлади, балки бу назмиятлар ва улар асосида олиб борилган тадқиқотлар орқали биз XVIII аср охири ва XX аср бошларига хос ҳаётий воқеотлар, лавҳалар билан танишдик, турли табақадаги аёлларнинг тутган ўрни, ҳолати ва руҳий кечинмалари ҳақида ҳам қимматли маълумотларга эга бўлдик. Мирзахон Хоний ҳам ана шу силсила бардавомчиларидан бўлиб, илмий изланишларимиз натижасида унинг таржимаи ҳолига доир маълумотларни, мактубларини ва шеърий дафтарлари ҳамда дастхат девонини аниқлашга муяссар бўлдик.

Шоиранинг исми Марямхон бўлиб, у 1884 йили Қўқон яқинидаги ҳозирги Ўзбекистон тумани Ойимча Қақир қишлоғида китобдор оиласида туғилган. Отаси Мирзо Убайдуллохон ҳожи зиёли киши бўлиб, у Амир Умархон ва Муҳаммадалихон даврларида китобдорлик қилган, машҳур шоир Мирзо Қаландар Мушриф шажарасига мансубдир. Онаси Мастурабону ҳам ўз даврининг маърифатли ва фозила аёлларидан бўлган.

Тахминан 16-17 ёшида Марямни Исфаранинг Шўртанг қишлоғида истиқомат қилувчи Мирзо Валихон исмли кишига турмушга узатишади. У бир нечта фарзанд кўради, лекин улардан Муҳаммад Рауфхон исмли ўғлигина ҳаёт қолади, холос. Ўғлини вояга етказиб, ўқитиб, уйлаб-жойлагач, Марям жияни Раҳимахон, яна бир-икита ҳамроҳлар билан 1957 йили ҳаж ниятида йўлга чиқади, бироқ Тожикистон чегараларидан ўтиш учун рухсатнома ололмай, ниятидан ҳам қайтмай шу ҳудуддаги Панж (эски номи Саройкамар) туманида турғун бўлиб қолади ва орзусига етолмай 1967 йилнинг декабр ойида 83 ёшида вафот этади.

Зиёли оилада дунёга келган Марям саводини ўз уйида чиқариб, форс-тожик тилини пухта эгаллайди, шунингдек, араб тилини ҳам яхши ўзлаштиради. Мутолаага берилиб Хожа Аҳмад Яссавий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Фузулий, Мирзо Бедил, Машраб, Ҳувайдо, Муқимий, Фурқат, Ҳазиний каби устод шоирлар асарларидан билим, маърифат ҳосил қилар экан, ўзи ҳам назм муҳибига айланиб, «Хоний» тахаллусида шеърлар бита бошлайди.

У шеърий истеъдоди бўлмаган аёлларнинг илтимосига кўра, уларнинг ҳасбу ҳолларини ифодаловчи «Муҳаббатнома», «Фироқнома», «Ҳасратнома», «Ибратнома», «Марсия» каби шеърий дафтарлар ёзиб бериши билан машҳур бўлгани ҳолда, ўзи ҳам 1953 — 1958 йилларда девон тузади.

8044 мисрадан иборат ушбу қўлёзма девон 365 бет (470 саҳифа)ни ташкил этиб, у ғазал (144 та), мураббаъ (28 та), мухаммас (52 та), мусаддас (1 та), мусаббаъ (1 та), мусамман (4 та) каби жанрлардаги 230та шеърни ўз ичига олади. Девон охирида «Мавлуд ан-набий» номли манзума ва Имом Ҳасан, Имом Ҳусайнларга бағишланган кичик шеърий достон ҳам бўлиб, улар ўзининг воқеабандлиги билан ажралиб туради.

Мумтоз адабиётимиз анъанасига кўра ҳамд ва наътлар билан бошланган мазкур девондан шоиранинг фалсафий-ахлоқий, тасаввуфий, ижтимоий қарашлари ўз ифодасини топган бўлиб, уларда соф инсоний ва пок илоҳий ишқни таннум этувчи, илму ирфонни тарғиб қилувчи, фазл аҳлларини, умуман, юксак инсоний фазилатларни улуғловчи, бильакс, зоҳирий, ботиний иллатларни қоралаб, улардан огоҳ этувчи ҳамда ижтимоий ҳаётдаги норасоликлардан шикоят мазмунидаги шеърлар асосий ўринни эгаллайди.

Хоний Ҳабибий, Асирий, Ғуломий, Чустий каби шоирлар ғазалларига мухаммаслар боғлаган. Унинг айрим шеърлари баъзи қўлёзма баёзларда Машраб, Ҳувайдо, Ҳазиний каби шоирлар қаторидан ўрин олган.

У Нисо, Ғафур Ғулом, Собир Абдулла, Чархий, Ёрий, Жавдат Абдулла каби ўз даврининг ижодкорлари билан адабий алоқада бўлган. Шоиранинг адабий мероси ҳозир унинг авлодлари ва мухлислари қўлида сақланмоқда.

Қўйида илк маротаба эълон қилинаётган шеърлар шоира Мирзахон Хоний табъи назмидан намуналардир.

**Салимахон ЭШОНОВА,**
**Ҳамид Сулаймон номидаги**
**Қўлёзмалар институти тадқиқотчиси**

Мирзахон ХОНИЙ

## ЖАВДАД ҒАЗАЛИГА МУХАММАС

Мардлик бирла қадам ур, суст рафтор айлама,
Донишу илму ҳунардин ўзни бедор айлама,
Бехабарликда юруб душманни бедор айлама,
Мард бўлсанг бевафолик ҳаргиз изҳор айлама,
Одам эрсанг мисли ҳайвон феълу рафтор айлама.

Яхшиликни пеша қилмоғликни бетаъхир бил,
Кирма нодон кўчасига, сўзни пуртаъсир бил,
Хор тутма ҳеч кимни, соҳиби тадбир бил,
Эл мақоли: «ўзни эр билсанг, бировни шер бил»,
Лоф уруб беҳуда манманликни зинҳор айлама.

Сан ўзуңгни сохлагил ножинслардин доимо,
Маст ўлуб беҳуда юрма, яхшига бўл ошно,
Ҳар қаерда соф турсанг, ичу тошинг пуржило,
Кимса бирла дўст бўлсанг, бўлма ҳаргиз бевафо,
Тулки янглиғ олданурсан, ўзни айёр айлама.

Ҳар нечук иш қилмоғ ўлсанг, софлик бирла қилиб,
Доимо ҳушёр тур, суду зарарларни билиб,
Элга хушрафтор қилғил, хўблик бўлғай насиб,
Бўлма бадкирдор золим, беҳуда ўздин кетиб,
Ўз-ўзингни қулфату ранжа сазовор айлама.

Сақла жонингни ситамдин, оқибат хўр ўлмагил,
Оч кўзунгни айшу ишратларга мағрур ўлмагил,
Ақлу идроку камолдин, Хониё, дур ўлмагил,
Ғарчи мансабдор эсанг, мансабга мағрур ўлмагил,
Ёшликка олданиб кўб элга озор айлама.

* * *

Найлайин дилбарни лутфин дил эзилгондин кейин,
Ғамни гирдобида ич-бағрим сизилгондин кейин.

Лоладек кўксумда қат-қат доғлар бўлди аён,
Сирри пинҳон эл аросида ёзилгондин кейин.

Ҳажр шомида наво чектим чу булбул ҳар замон,
Ёр ағёра карам, боту бузилгондин кейин.

Чархи золим куйдуруб кўкка совурди кулларим,
Ҳар тараф кетти, алам боди тузилгондин кейин.

Келмади вақтида раҳми золими бедодгар,
Суди йўқ раҳмини жон тори узилгондин кейин.

Нўшдори гўр етиб Суҳроба жон кетгон сўғун,
Олдиму Рустам дилин ўғли чўзилгондин кейин.

Хонийи дилдода фарёди, фиғони беўрун,
Не қилур жононни умридин безилгондин кейин.

# «ПОКЛАНИШ СОҲИЛИ»

*«Доимий ҳамроҳ»*

Жамиятимиз покланаётган, миллатимиз ўз қадрини ва қаддини тиклаётган даврда ҳаҳ бир инсон замонга мослашишга, замон билан ҳамнафас бўлишга, босиб ўтган йўлини, ютуқ-камчиликларини қайтадан идрок этишга интилади. Вақт, ҳаёт деган дарёнинг қирғоғи — унинг покланиш соҳилидир. Тил билан эмас, дил билан покланиш, дил мусаффолигига эришиш муҳимдир.

Ёзувчи Ўктам Ҳакимали истиқлолдан илҳомланиб шоир бўлган ижодкорлардандир. У даврга қараб ўзини ва сўзини ўзгартиришга, янгиланишга ўринаётир. Унинг илк шеърий китоби ўқувчилар тасаввурини бойитишга хизмат қиладиган содда, самимий ва таъсирчан шеърлардан тартиб берилган.




«Покланиш соҳили»га киритилган машқлар жанрига кўра уч туркумга ажратилган. Муаллиф мумтоз адабиётимизнинг бархаёт анъаналарига таяниб, бир туркум ғазаллар битган. Шунингдек, китобдан унинг кўплаб сонетлари ва шеърлари ўрин олган. Висол ва ҳижрон, севинч ва алам, садоқат ва хиёнат, Ватан ўтмишидан аччиқ хотиралар — булар бари Ўктам Ҳакимали шеърларининг мавзулари. У ўз иқтидори даражасида қалбини ҳаяжонга солган умр дақиқаларини таъсирчан сўзлар воситасида баён этишга интилади, изтироблари, қувончу умидларини оддий сўзлар воситасида ҳаяжон билан таъкидлайди. Чунончи, унинг Усмон Носирга бағишлаб ёзган «Талон бўлган шер» деб номланган шеърида шундай сатрлар бор:

Ёмғирли ўрмонда ёлдор шер-тутқин,
Овчи чангалидан чиқолмай бутун,
Қопқонни чайнаркан, ўкириб ҳамон,
Кочиб борар эди хилватлар томон...

«Покланиш соҳили» мажмуаси «Наврўз» нашриётида беш минг нусхада чоп этилган. Муҳаррир А. Худойбердиев. Китобни рассом Х. Зиёхонов безаган.

Ўткир ЖЎРАЕВ

# ҒЎЙРТЛИКЛАР

* * *

Ватан заррасининг залвори улуғ,
Ватан бу иймондир, ватандир қутлуғ.
Ғард юқмасин десанг кўз гавҳарига,
Ватанни вужудга жойлагин тўлиғ.

* * *

Халқнинг қўлларидан оғирин олгил,
Миллат дардларига малҳам бўлолгил.
Иймон-эътиқодни шиор эт, дўстим,
Яхшилик уруғин оламга ёйгил.

* * *

Кўз ёшин кўрмагил дўсту ёрларинг,
Қадрин баланд тутгил номус орларинг.
Номардга муҳтожлик қўлин чўзмагил,
Фақат чин дўстга айт оху зорларинг.

* * *

Дилни дилга пайванд этмоқ мушкулдир,
Аввал дилни иймон билан тўлдиргил.
Дўст дея кўксингга уриш ўрнига,
Дўстнинг мушкулини сен осон қилгил.

* * *

Дўстим деб кимнидир лафзингга олсанг,
Истагим, дўст номин қалбингга солсанг,
Фақат хуш кунларда ёнида бўлмай,
Ғаму ташвишда ҳам шерик бўлолсанг.

* * *

Кўпдир бир-бирига туташ тақдирлар,
Эл ғамини еган мард, оқил эрлар.
Оламда яшаган инсонлар кўпдир,
Эслагин ёғдули шам бўлган кимлар.

* * *

Фақат сен яхшию, бошқалар ёмон,
Бир сен билгувчию ўзгалар нодон.
Қайдан келди сенга бу фикри нолон?
Билки ҳар ишингни баҳолар раҳмон.

* * *

Ҳол сўраб дардини олинг кимсани,
Кўнгил чароғини сиз ёқинг ани.
Ғўдайиб осмонни кўзлаганлар кўп,
Лек осмон устуни бўлганлар қани?

# ҒОЯ ҲАҚИҚАТГА МОСМИ?

*Янги талқинлар*

Мустақиллик берган имконият ҳозирги кунда ҳар бир асарга янгича ёндашишни, ҳаёт ҳақиқати ва мантиқи асосида таҳлил қилишни тақозо қилади. Маълумки, собиқ шўролар даврида ёзилган талай асарларда давлат сиёсати илгари сурган ғояни, яъни ўтмишни қоралаш воситасида социалистик жамият элга эрк ва бахт берувчи тузум эканлигини тасдиқлаш оқибатида миллий шароит билан ҳисоблашмаслик, ҳаёт ҳақиқати ҳамда мантиқига беписанд қараш ҳоллари рўй берди. Айниқса, бу борада Абдулла Қаҳҳорнинг ўтмиш ҳақидаги айрим ҳикоялари етакчилик қилади. Бунга биргина «Даҳшат» ҳикояси мисол бўла олади. Ҳикоя 1960 йили ёзилган. Бу йилларда кўп нарса ойдинлаша бошлаганига қарамай, ёзувчи ўзининг ўтмишни қоралаш принципига содиқ қолган.

Ҳикояда илгари сурилган ғоя ўтмишда инсон эрки бўғилганлиги, меҳнаткашдан чиққан вакил — Унсиннинг унга қарши исёни акс эттирилган. Буни таниқли адабиётшунослар ҳам таъкидлашган. Хусусан, УзФА мухбир аъзоси Матёқуб Қўшжонов шундай ёзади: «Оддий меҳнаткаш қанча эзилмасин, дунёни бевосита эркин ҳис қилиш қобиляитига эга булади. Дунёни ҳис қила билиш уни эрксевар ҳам қилади. Эрк ва ихтиёр учун интиладиган қилади. Мабодо ҳикоянинг қаҳрамони Унсин мешчан табиат оиладан, пулга берилган бой оилада туғилиб-усган ва тарбия олган қизлардан бўлса эди, у эрк учун қабристон томон бир қадам қўйишга ҳам рози бўлмас, аксинча, чолнинг меросига эга бўлиш учун улимини кутиб яшай берган бўларди...

Абдулла Қаҳҳор бу ҳикояда ўтмишда оддий ўзбек аёли бошига тушган икки йўналишдаги кулфатни тасвирлайди. Бири ўтмиш ҳаётимизнинг социал-моҳияти билан боғлиқ булган эрксизлик. Эрксизлик натижасида ҳикоя қаҳрамони Унсин кекса бир чолга кенжа хотин бўлиб тушган. Иккинчиси, кулфат устига кулфат деганларидек, Унсин озодликка интилиб қадам ташламоқчи булганда буронли қунга туғри келади».

Таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддинов бу борада қуйидаги фикрни билдиради: «Даҳшат»да эса бошқача ҳолни кўрамиз. Унинг қаҳрамони Унсин эрки учун қураша оладиган, бу йўлда ҳатто жон таслим қилишдан ҳам қайтмайдиган фаол курашчи инсон. Бу ўринда Абдулла Қаҳҳор ғоят мураккаб бир бадиий масалани анча моҳирлик билан ҳал қилганини таъкидлаш керак. Бу мураккаб масала ўз эрки учун курашадиган аёл образини ҳаққоний тасвирлаш масаласидир».

Бундай фикрлар бошқа тадқиқотчилар томонидан илмий-тадқиқот ишларида, мактаб, олий-ўқув юртлари дарсликларида ҳам айтилган.

Маълумки, реалистик асарда ёзувчи ўз концепциясини исботлаш учун ҳар қанча уринмасин, турли бадиий воситаларни қўлламасин, воқеа ҳаёт ҳақиқати ва мантиқи, шунингдек, инсон ирода йўналиши асосига қурилмаса, барча уринишлар бекор булади. Мазкур ҳикояда, бизнингча, шундай булган.

Туғри, Абдулла Қаҳҳор қаҳрамони Унсиннинг эркинлик йўлида бажарган иши, аёллар у ёқда турсин, мана-ман деган йигитларнинг ҳам қўлидан келмайдиган, ваҳимали юмуш эканлигини янада кучайтириб қурсатишда табиат ҳодисасидан жуда ўринли фойдаланган. Масалан, шамолнинг чийиллаши, бўйранинг дарчага келиб урилиши адибнинг мақсадига жуда ўринли хизмат қилади. Шунингдек, бўлажак фожиа ва кулфатдан огоҳ этади. Бу борада ёзувчи ҳақиқатдан маҳорат курсатган. Лекин барча деталлар, бош қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати ҳамда додхонинг тутган ишлари хусусида чуқурроқ мушоҳада юритилса, ўз моҳиятига кўра ҳаёт ҳақиқатига, миллий хусусиятига, қаҳрамон руҳиятига ва мантиқига зидлик борлиги сезилиб қолади. Бу қайси ўринларда кўринади? Биринчидан, Унсиннинг уйидан, яъни эрксизликдан қутилишга интилиши ва тутган йўлида сезилади.

Маълумки, Унсин Олим додхога ота-онаси розилиги билан қонуний хотинликка берилган. Ўзбек одати бўйича қизга ёшликдан ота ихтиёри Худо ихтиёри эканлиги, эрига тула бўйсунишлик аёллик бурчи саналиши, узатилган қизни ота уйига қайтиб келгудек қилмаслиги, бу нарса ота-она учун иснод ҳисобланиши уқтирилади. Унсиннинг қулоғига ҳам бундай ўгит қўйилганига шубҳа йўқ. Буни ҳикоя воқеаси кечган, яъни инқилобдан аввалги давр шароити ҳам тақозо қилади. Бу даврларда миллий урф-одатларга қаттиқ риоя қилинганлиги ҳаммага аён. Шундай экан, узатилган қиз эридан ажраб, айниқса, ўз ихтиёри билан буни содир қилиши ота-онасига хурсандчилик эмас, ғам-кулфат, номус келтиришини у жуда нозик англайди. Бироқ нимагадир, Унсин бу хусусида ўйлаб кўрмайди. Чунки ёзувчи ўз ғоясини амалга оширишга изчил берилганидан бу ҳаётий мантиқ ва миллий урф-одатларга эътибор қаратмайди.

Унсиннинг эркинликка чиқиш учун додходан талоқ сўраши ва бу йўлда, ҳикояда тасвирлангандек воқеанинг содир қилиниши яна бир тарихий ва ҳаётий ҳақиқатни инкор қилади. Аслида киши чидаб бўлмайдиган муҳитда тутқинлик ҳолатда яшаса ёки ўзи яшаб турган шароитдан афзалроқ шароитда яшаши реал булгандагина яшаб турган турмуш тарзини тарк этишга интилади. Унсиннинг яшаш шароитида униси ҳам, буниси ҳам йўқ. Ҳикоя воқеалари тизимидан маълумки, додхо уни азобламайди, қундошлари ҳам зуғум ўтказишмайди. Қайтага, меҳрибонлик қурсатишади. Унсиннинг додхо уйини тарк этишига бир нарса асос булиши мумкин. Бу ҳам бўлса, ўз тенги билан яшаш насиб этмагани. Лекин ҳикояда бу хусусида ҳеч нарса дейилмайди, ҳатто унга ишора ҳам қилинмайди. Бундан кўринадики, Унсиннинг додхо хонадонини тарк этиб, эркинликка интилиши, адабиётшунослар таъкидлаган даражада асосланмаган.

Ҳикояда додхо хотинларининг калтакланиши ҳақида бир неча жойда ишора бор. Ҳикоя охиррогида бу нарса очиқ айтилади: «Унинг (додхонинг катта хотини Нодирмоҳбегимнинг — Ҳ. К,) ўнг кўзи маматалоқ бўлиб шишиб кетган, оқ дока рўмолнинг у ер-бу ерига қон теккан эди... Нодирмоҳбегим Унсиннинг ёш жонига раҳм қилишини, уни қайтаришини сураб додхога ёлворганда додхо уни тутиб олиб хўп урган эди». Бу ҳолат ҳам кўпда ишонарли эмас. Биринчидан, ҳар қандай жоҳил одам ҳам бу гапга хотинини тутиб олиб урмайди, нари борса қойийди. Додхо эса жоҳил эмас, илмли, руҳоний киши. Бундай одамлар хотин кишига қўл кўтаришни гуноҳ деб билади. Ҳикоядаги ҳолат эса якка сиёсат таъсирида инсонни инсон сифатида эмас, балки синфий мансублик нуқтаи назаридан тасвирлашнинг натижасидир. Яъни, бой руҳонийми, демак ёмон одам, деб талқин қилиниб келинганлиги оқибатидир. Ҳикоядаги ҳолатни ҳаёт ҳақиқати инкор қилади.

Ҳикояда Унсиннинг саъй-ҳаракати билан боғлиқ бўлган кўп тасвирларда ҳам ҳаётий мантиқ бузилган. Тасвирга эътибор беринг: «Унсин уйига кирди, паранжи-чимматини ёпинди, қумғонга сув тўлдириб, чойнакка чой солди-ю, жўнади». Демак, Унсиннинг иккала қўли банд. Чунки сув тўлдирилган қумғон билан чойнакни бир қўлда ушлаб бўлмайди. Энди қуйидаги тасвирга эътибор қаратайлик: «Пишқираётган шамол хуруж қилганида Унсинни тентиратар, талай жойга суриб ташлар эди. Унсин паранжи-чимматни юмалоқлаб қўлига олганидан кейин, йўл юриши осонроқ бўлди». Буни уқиб ажабланасиз. Чунки юқоридаги тасвирдан маълумки, Унсиннинг иккала қўли банд эди.

Ёзувчи Унсин ҳаракатига ҳалақит берувчи ҳолатларни ва вазиятнинг қийинлитини кучайтирувчи воситаларга зўр бериб, бу ҳолатларнинг иш ижроси ишончсизликка олиб келишини эътибордан қочирган.

Адиб тасвиридан маълумки, шамол хуружи кишини кўз очиргани қўймайди. Шу ҳолатда Унсин ўтин олиш эсидан чиққани учун «Сағана ва гурларни оралаб ўтин қидирди, пайпасланиб, қулига илинган нарсани этагига солди, қамиш синдирди, янтоқ, гиёҳ юлди, қуллари қонаб кетганини ҳам пайқамай, топган-тутганини келтириб ут ёқди». Биринчидан, зимистон қоронгида ўтин топиш ва кучли шамол пайтида ўтнинг аланга олиши ҳам ишончсиз тасвирдир.

Ниҳоят, қумғон қайнайди. Унсин ўнг қўлида чойнак, чап қўлида қумғон билан йўлга тушади. Йўлда эса қуйидаги воқеа юз беради: «Унсин кўкрагига ниҳоятда оғир бир нарса урилгандай қунгли озиб тентираб кетди-ю, йиқилмади, лекин оёқ узра туриб ҳушидан кетди, орадан қанча вақт ўтганини билмади, кўзини очиб қараса жонивор елкасидан тушибди. Унсин қўрқувдан телба бир аҳволда бўлса ҳам фаҳмлади, маймун! Додхонинг маймуни!»

Барчага беш қўлдай аёнки, киши ҳушидан кетса гандириклайди ва йиқилади. Унсин эса анча вақт ҳушидан кетган бўлса-да, йиқилмайди. Чунки ёзувчи учун Унсин йиқилмаслиги керак, йиқилса қўлидаги чой тўкилиб кетади. Чой тўктирмаслик учун, ўз ғоясини изчил илгари суриш йўлида, муаллиф ҳаёт ҳақиқати ва мантиқига қарши йўл тутади.

Унсин ҳушидан кетганда чап қўлидаги қумғон тушиб, ўнг қўлидаги чой тула чойнакнинг тушмаслиги ҳам атайинликдан бошқа нарса эмас.

Маймун детали ҳам ҳикояда ўзини оқламаган. Чунки биронта тарихий манбаларда ўзбек хонадонида маймун асраш факти қайд қилинмаган. Додходек руҳоний одамнинг уйида маймун асраши ақлга тўғри келмайди.

Ҳикоя шундай тугайди: «Бироқ Унсин пешингача етмади — ўзилди. Шом қоронгусида унинг жасадини қизил кўрпага ураб аравага солишди. Шамол ҳамон ғувиллар, яйдоқ дарахтларнинг шохида чийиллар, ғувиллар эди...

Арава жунади, шаҳар қўрғонидан чиққанда кундузи Нодирмоҳбегим юборган хизматкор Ганжиравондан қайтиб келмоқда эди».

Мазкур тасвир ҳам миллий урф ва қадриятларга зиддир. Маълумки, Унсин додхонинг чўриси эмас, шаръий хотинидир. Хотин ўлса уни ерга қўйиш эрнинг зиммасидадир. Бу мусулмончиликнинг, шариатнинг қонунидир. Айниқса, дин йўлини тутган додходай одам буни яхши билади. Ундан ташқари, майитнинг яқинлари келмагунча, бу ишга қўл урилмайди. Кутилади. Ҳикояда эса, бундай урф-одат, дин қонуниятларининг биронтаси билан ҳисоблашилмаган. Тўғриси, ёзувчи буни эп кўрмаган. Кўриб ўтганимиздай, жасад аравага солиниб, ёлгиз жўнатилади. Одатда эса ота-она ўз юртимизга кўмамиз десагина, шундай қилишга розилик берилиши мумкин.

Ҳикоя охирида Нодирмоҳбегимнинг додхо уйини тарк этиши ҳам ҳаёт ҳақиқати ва мантиқига зид. Чунки миллий урф-одат бундай ишни инкор этади.

Бундан кўриняптики, Абдулла Қаҳҳорнинг айрим асарлари маҳорат мактаби бўлолмайди. Чунки уларда якка давлат сиёсати таъсирида ўтмишни қоралаш борасида, кўриб ўтганимиздек, ҳаёт ҳақиқати ва тарихга, миллий урф-одат ҳамда қадриятларга зид йўл тутилган. Биз шу кунгача, ёзувчи асарларида у томонидан қандай ғоя илгари сурилган бўлса, ҳақиқат деб билиб, шундай талқин қилиб келдик. Энди ҳақиқатни қанча туғри англатсак, ўтмишда ким бўлганлигимизни ва ёзувчи тасвирлаган ҳол, яъни шафқатсизлик, диёнатсизлик дунёси қачон юз берганлигини шунча туғри англаган бўламиз.

**Ҳакимжон КАРИМОВ,**
**филология фанлари доктори, ТДПУ**
**профессори**

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт Жамғармаси уюшма аъзоси
**Ашурали АҲМЕДОВ**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва ёру дўстларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт Жамғармаси Уюшма аъзоси Раҳмон Қўчқорга волидаи мукаррамаси
**ЎЛМАСХОН ая**
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

# «ХИЗМАТ ДОИРАСИДАН ТАШҚАРИДА...»

*Ҳажвия*

Маликахон маҳаллада тўқсонга товоқ, саксонга сабоқ бериш билан ном қозонган. Қомати нари борса қумғондег-у, аммо овоздан қўшқўллаб берган. Ўсмали қоши чувалчанг тусга кириб, сурмали кўзлардан ўт чақнаб, қўлни белга қўйиб бир бобиллаб берса борми, ҳовлида санқиб юрган итнинг оғзидан суяк тушган қўйи, тўрт том наридаги чойхонада ким ўзарга сайраётган беданаларгача тилдан қолади...

Аммо, апатига чапати, мис қозонга лой тувоқ деганларидек, шундай шаддодгина хотиннинг пешонасига ҳалимдеккина эр битган. Мўмин Қобилович ўз отлари билан мўмин-қобилгина одам. Айниқса, бу кишининг тортинчоқликларига тараф йўқ. Қачон қараманг, аравага тиркалган отдек бўйинларини эгиб юрадилар. Биров билан суҳбатлашиш зарурати туғилганда ҳам ё шифтга, ёки туфлисининг учига термулиб турадилар.

Феъл-атворда, ишламасдан уйда ўтириб зерикишиданми ёхуд талашиб-тортишишдан лаззатланишми, Маликахон шундай бўшбаёвгина, бояқиш эрни ҳам тергаб-титкилашни хуш кўради. Айтайлик, Мўмин Қобилович хизматдан қайтишлари биланоқ, даставвал, папкасини қўлдан олиш баҳона бошдан-оёқ «ҳидлаб», разм солиб чиқади: «Бирор бегона соч толаси ёки помада-сомада юқи йўқмикин?!» Сўнг эрининг соғлигига қайғурган хотин сифатида тушликка нима учун уйга келмаганини, кимлар билан қандай таом еганини, умуман кўчада овқатланганда суқ-пуқ киришлигини, ниҳоят, ўринбосарликдан қачон бошлиқлик мансабига кўтарилишини (маҳалла хотин-халажига мақтаниб қўйганда) сурабсуриштиради.

Буниси етмагандай кун давомида эрининг ишхонасига икки-уч маротаба сим қоқади. Мулойим оҳангда бошланган суҳбат дағдаға билан тугайди: «Алё! Қурилиш трестими? Ҳай,сиз кимсиз, қоқиндиқ? Қабулхонадаги котиба... Ҳм-м, ёшингиз нечада эгачи? Нима ишим бор эди? Менга Мўмин Қобиловични уланг! Мўмин акам мажлисда... Акам-а?! Мен у такани ҳали... Менга қаранг, сингилжон. Овозингиздан баъманигина жувонга... Ҳали турмушга чиқмаганман? Унда куёв топиш бизнинг бўйинга... Ҳа, ана бир кўйлаклик «Мадонна» материал ҳам биздан... Фақат, сизга топшириқ. Ўша Мўминжон акангизми, такангизми, қачон, қаерда, ким билан... Умуман, ишхонадаги аёллар тўғрисида икки варақкина... Нима, уят эмасми? Вой, вой... Бўйдоқ қиз эрнинг қадрини қаердан билардинг! Эрим бошлиқ бўлсин ҳали, тагингга сув қўйдирмасам отимни...

Маликахоннинг тилида хол бор экан. Дарҳақиқат, кўп фурсат ўтмай Мўмин Қобилович трест бошқарувчиси лавозимига кўтарилди. Маликахон ҳам дарҳол режасини амалга оширишга киришди. «Ювдиювди»га келган эрининг ҳамкасбларини бирма-бир ногоҳидан ўтказаркан, зиёфат тугаши биланоқ, «бўйдоқ» котиба ўрнига, нафақага чиқишга тайёргарлик кўраётган фаррош кампирни тантана билан «тавсия» қилди. Мўмин Қобилович бироз қизаринқирасада, сўнг мўмин-қобилгина бўлиб бош иргаб қўя қолди.

Аммо, эртаси куни туйқусдан бир воқеа содир бўлди-ю...

... Маликахон телевизорда кундузги эшиттиришлар ниҳоясига етгач, тезда «зерикди», юраги сиқилиб телефон дафтарчасини варақлашга тутинди. Ички бир қониқиш билан бу гал «ўринбосар»га эмас, балки «бошлиқ»қа тегишли бўлган рақамларни ҳафсала билан терди. Узунқисқа «мусиқа»дан сўнг, ниҳоят бегона ... Ҳа,-ҳа, ўзи кечагина тавсия қилган фаррош кампирнинг эмас, аксинча, афтидан ўзбек тилини эндигина ўрганаётган нотаниш аёлнинг ўктамгина овози қулоғига чалинди:

— Аппарат ўчирилган ёки хизмат доирасидан ташқарида! Аппарат...

Маликахоннинг ҳуши бошидан учди. «Нима бало, ёки бошқа номерни тердиммикин? Йўқ, ана, эрталаб ишга кетгунча эриниб ўз қўли билан ўқлақдек-ўқлақдек қилиб ёзиб бергани...»

Маликахоннинг бошидан ҳовур ўрлаб, кўзларида ўт чақнаган кўйи, яна рақам теришга киришди. Не кўргуликки, яна ўша эркак кишини йўлдан оздириши мумкин бўлган ишвакор овоз:

— Аппарат ўчирилган ёки хизмат доирасидан ташқарида....

Маликахон беихтиёр тарзда ўрнидан сакраб туриб, кекирдакка зўр берди:

— Ҳой, чулчут! Сен кимсан? Марям момо қани? Нима, аппарат ўчирилган? Ҳозир борсам, мен сени ўчираман! Вой, қайси тилда мени қарғаяпсан?! Биласанми, мен кимман! Маҳаллада мени ким дейди! Ҳа-ҳа... Маликахон, мафия! Ўттиз аёлни даврада ўтириб-турғизаман... Вой, афтингни кучук ялагур мегажин... Трубкани қўйиб қўйдику!

Шу топда Маликахоннинг иситмаси тафтига тухум пишадиган алфозда эди. «Ҳа, пичоқ ўтмас деб юрсак, бу киши ҳам қайралиб қобтими? Ҳа-а, мансабгинаси ўлсин-а! Йўқ, бунақаси кетмайди. «Котибани алмаштирганим ҳақида«ги буйруғим чиппакка чиқ-қанини эшитса «ғапдошларим» устимдан гап қилишмайдими?! Тўйлардаги товонбошилик ҳам қулоғини ушлаб кетади-ку... Йўқ, ҳозир бориб котиба-мотибаси билан... Йўқ, олдин сим қоқиб «қулоқсиз эр»ни топай. Ана ундан кейин...

Маликахон титраган қўйи яна телефон гўшагини кўтарди.

— Алё! Ҳой, тўтиқуш... Кўп бидирлама-да, гапимни эшит. Мен хўжайинингни хотини бўламан!.. Ҳозир бошингни тахтага олиб... Вой, яна «аппарат ўчирилган» дейди-я... Хўжайининг қаерда деяпман?

— Хўжайин шу ерда!

Маликахон зарда билан ортига ўгирилди. Мўмин Қобилович остонада мийиғида кулганча турарди. Жаҳл отини эгарлаб турган эмасми, хотин дарҳол жиловни силтади.

— Ҳа-а, ҳали шунақами? Янги мансабга янгисини топдингизми?! Жавоб беринг, нега Марям момо ўрнига бошқа фотмачумчуқ сайраб ўтирибди?.. Марям момо қаерда?

Мўмин Қобилович қўйин чўнтагини ковларкан, кулгисини яна бир поғона баланд олди.

— Марям момонгиз жойида ўтирибди! Фақат, хотинжон, сизнинг хаёлингиз жойида эмасга ўхшайди. Остонада туриб ҳамма гапни эшитдим. Сиз рақамини терган телефоннинг отини «сотка», яъни ўзбекчасига «уяли телефон» дейишади... Мана, чўнтагимда олиб юрибман. Ўчириб қўйилса, бунинг магнитофонидан «Аппарат ўчирилган ёки хизмат доирасидан ташқарида» деган жавоб ўзбек, ўрис ва инглизчада такрорланади... Ана шунақа. Энди англаб етгандирсиз, хоним?! Ишга киринг десам, маҳалланинг тўй-ҳашамидан қуруқ қоламан, дея бунга рози бўлмайсиз. Уйда эса бекорчихўжа бўлиб, замондан орқада қолиб, мана бунақа «уяли» телефоннинг сир-асроридан «уялиб» ўтирасиз. Энди, гап бундай... Ё, ҳуда-бехудага рашк қилишингизни ташлайсиз, ёки, мана бу бўлиб ўтган воқеадан даврадош дугоналарингизни воқиф қилиб «маликалингиз»дан тушираман! Розимисиз, Маликахон?!

Маликахон ютинмоқчи бўлди-ю, аммо тупуги бўғзига қилтаноқ бўлиб қадалди. Сўнг, сукут аломати ризо дегандек, эри олдида илк маротаба бошини эгиб мунғайди.

**Муҳаммад ОЧИЛ**

# СЕНИ ОЛҚИШЛАБ ТУРСА ҚИРОЛУ ҚИРОЛИЧА...

Шундай сарлавҳа қўйганимиз бежиз эмас. Гуруҳлардаги драматик, энг эсда қоларли уйинлардан бўлиб қолиши аниқ. Навбатдаги босқичга чиқиш учун ҳар иккала командага ҳам ютуқ сув ва ҳаводай зарур эди. Ютқизиқ эса ҳар икки жамоа мавқеини кўп жиҳатдан тушириб юборарди.

Ишқибозлар эътибор берган бўлишлари керак, ушбу беллашувни томоша қилаётганлар орасида Испания қироли ва қироличаси, ФИФАнинг собиқ президенти ва бошқа нуфузли меҳмонлар бўлиб, улар ўз шунқорларини қарсаклар билан олқишлаб туришди.

Айтиш мумкинки, бу чемпионатда Христо Бонев раҳбарлигидаги Болгария терма жамоасидан омад юз ўгирди. Тўп худди сеҳрлангандай, дарвоза тўрига бориб тушишни мутлақо истамади, десак муболаға бўлмас. Агар шундай бўлмаганда, биргина Эмил Костадиновнинг ўзи ҳозиргача бир эмас, бир неча голларнинг муаллифи бўларди.

Испания-Болгария учрашувида бу ҳолат яна такрорланди. Қиролу қироличанинг олқишларидан илҳомланган испанияликлар ташаббусни қўлларига олишди. Ҳисоб 11-метрлик жарима тўпидан очилди. Кейин эса.., кейин эса испанларни ҳам, болгорларни ҳам таниб бўлмай қолди. Ўйин вақти тугаганида, таблода 6:1 рақамлари ёниб турарди. Бу — жуда катта ҳисоб, жаҳон биринчиликларида камдан-кам учрайдиган кўрсатгич.

Рақиб дарвозасига бир эмас олтита тўп йўлланганида, одатда, байрам бўлиб кетади. Лекин, қизиғи, ачинарлиси шундаки, бу ютуқ испанияликларга мутлақо татимади. Улар майдондан, гарчи ўз рақибларини эзиб ташлашган бўлишса-да, эзилиб, йиғлаб, бошларини қўйи эгиб чиқиб кетишди. Ғолиб сифатида бир-бирларини бағриларига босишмади, мураббийларини осмонга отишмади.

Футболда ғоят кам учрайдиган ҳодиса. Ғолиблар мағлублардан кўра тушкун. Нега шундай бўлди? Гап шундаки, мусобақанинг иккинчи босқичига чиқиш тақдири айни шу уйинда эмас, Франциянинг бошқа бир шаҳрида ўзказилган Нигерия-Парагвай уйинида ҳал бўлди. Парагвайликлар ушбу гуруҳнинг мутлақо ва «кутилмаган» ғолиби билан бўлган сўнгги учрашувни ўз фойдаларига ҳал қилишгач, испанларнинг бўлғорлар дарвозасига кетма-кет киритаётган тўпларининг мутлақо аҳамияти қолмади. Гол уришнинг мутлақо аҳамиятсизлиги ҳодисасини аввал ҳам ҳеч кузатганмисиз? Бу гал шундай бўлди. Агар ҳисоб 6:1 эмас, 10:1 бўлганида ҳам ҳеч нарса ўзгармас эди. Дастлабки уйинларда йўқотилган қимматли очколар ўрнини тўлдириш имконияти деярли қўлдан бой берилганди.

Бошқа учрашувлардан Шотландия—Марокаш беллашуви эътиборга молик бўлди. Фавқулодда ҳужумкорлик, шиддат билан тўп сурган марокашликлар шотландларни 3:0 ҳисобида мағлуб этишди. Аммо бу ерда ҳам ғалаба ғолибларни хушнуд этмади. Бразилия-Норвегия учрашуви охирида тўрт карра жаҳон чемпионлари дарвозасига белгиланган деярли асоссиз жарима тўпи марокашликлар бошида чақнай бошлаган умид юлдузини сундирди. Англия-Руминия терма жамоалари беллашуви руминларнинг ғалабаси билан якунланди. Айтиш мумкинки, бу галги жаҳон биринчилигида инглизлар ўзларига хос ва мос уйин кўрсата олмадилар. Бу ҳам анчайин кутилмаган ҳол.

Камерун-Чили учрашуви фавқулодда қизиқарли ўтди. Аввалги чемпионатда кўпларни доғда қолдирган камерунликлар барибир мухлисларда яхши таассурот қолдирдилар, деб ўйлайман. Уйин дуранг натижа билан тугади ва энди Чили командаси навбатдаги босқичда бразилияликларга рўпара келадилар.

Асримизнинг сўнгги биринчилигига хос жиҳатлардан яна бири шундаки, ҳакамлар ўйин охирида қанча қўшимча вақт белгилаганларини билдириб турибдилар. Бир неча учрашувларда ўйин тақдирини айни шу қўшимча вақт ҳал қилди.

Ҳар бир чемпионатнинг ўзига хос воқеалари, ўзига хос «қаҳрамон»лари, кутилмаган воқеа-ҳодисалари бўлади. Шу жиҳатдан қараганда, Бразилия-Норвегия учрашувида ўн бир метрли жарима тўпи белгиланган америкалик ўқакам Исфандиёрни кўплар узоқ вақт «эслаб» юришса керак. Жанубий Африка Республикаси терма жамоаси ўйинчиси Иссани бўлса қўштирноқ ичида қаҳрамон десак ҳам бўлади. У бир ўйинда ўз дарвозасига бир эмас иккита тўп киритди. Саудия Арабистони командаси билан бўлган учрашувда эса Иссабойнинг қўполлиги туфайли дарвозага икки бор ўн бир метрли жарима тўпи белгиланди. Иссанинг ҳиссаси шундай бўлди.

Чемпионат давом этмоқда. Энг масъулиятли, энг қизиқарли ўйинлар ҳали олдинда.

**А. МЕЛИБОЕВ**



*Мафтункор табиат*

# ЎЗБЕКНИНГ ЎЛМАС СЎЗИ

**Боши биринчи бетда**

Мана бу мукаммал мисраларнинг иккинчисига алоҳида эътибор берайлик: «Ҳар ерда душманнинг қўли бойлансин, Ғанимнинг ичига ғамлар жойлансин». Аввало, «ғ» товушининг такрори ўзига хос оҳангдорликни юзага келтирган. Ундан ташқари шу тўртта оддий сўз шунчалик маҳорат билан алоқалантирилганки, душманга бўлган нафратнинг заранг ва залворли расми намоён бўлган. Тилимиздаги «ғам емоқ» ибораси бор, шунга кўра «ғамнинг одамнинг ичига кириши» тасаввури ҳамиша ҳиссий бир тарзда идрок этилади. «Ғамлар» сўзи билан бевосита боғланган «жойланмоқ» фақат «кирмоқ»нинг ўзигина эмас, балки, «батамом кириб, у ерни эгаллаб, ўша ерда тамомила муқим бўлиб қолмоқ» ҳамдир. Шунинг учун ҳам «жойланадиган ғамлар» шунчаки бўлмайди, катта бўлади, қаттиқ бўлади, қаттол бўлади... Бу тўрт сўзнинг қистовисиз, оҳорли муносабатда ғанимни чақиб ташлайдиган чақин юзага келган.

Достонда тасвир инжалигини таъминламоқ мақсадида сўзлар шундай усталик билан ўзаро муносабатга киритилганки, натижада ҳатто мавҳум тушунчалар ҳам гўзал бир шаклда конкретлашиб, «қўл билан ушлаб кўриш мумкин бўлган» даражадаги аниқ нарсаларга айланган. Буни бир-икки мисолдаёқ кўриш мумкин.

**«Махрам келиб, менга берди хабарди,**
**Закот деган гапга кўнглим қабарди»**

сатрларидаги «кўнглим қабарди» ибораси қаҳрамонинг ранжли руҳий ҳолати фавқулодда бир бадиият билан аксланган. Адабий тилимизда «кўнгли оғримоқ» ибораси маъно ифодасидаги образлилик жиҳатидан ундан анчайин кучли. «Кўнгли оғримоқ»да руҳга етказилган ранж, озор ибора таркибидаги «оғримоқ» сўзига кўра очиқ, таъбир жоиз бўлса, жуда «яланғоч» ифодаланган. «Кўнгли қабармоқ»да эса ички образ бор. Маълумки, кўнгил—мавҳум тушунча, «қабармоқ» эса аниқ тушунчага нисбат бериладиган ҳаракат, масалан, қўл, оёқ қабариши мумкин. Айни пайтда бекордан-бекорга қабармайди, қаттиқ меҳнат, қийинчилик бунга сабаб бўлади. Қўл қаварганда, кафтда сувли пуфакчалар пайдо бўлади, сўнгра у қадоққа айланади, буни ҳар бир киши билади, шунинг учун ҳам «қабармоқ» сўзи эшитилиши билан киши кўз ўнгига дарҳол қўлнинг худди шу аниқ ва оғриқли кўриниши келади. «Қабармоқ» кўнгилга нисбат берилар экан, ўша қўл кўриниши «кўнгил»га ҳам кўчадики, бу ҳолатда энди кўнгил асло мавҳум бўла олмайди. Натижада, аввало, «кўнгил» аниқлик, «қўлда тутиш» даражасида конкретлик касб этади, қолаверса, қийноқ ва озурдалик ичидаги кўнгилнинг қабариқ образи аксланади. Ана шу маънода «кўнгли қабармоқ» ибораси сўз сезгиси ҳайратланарлидир.

Достондаги жуда кўплаб ана шундай ибораларнинг яна бири «гап етакламоқ»дир. «Юришимиз қирқин қизлар билмасин, У қурғурлар гап етаклаб юрмасин, Эл ичинда маломат сўз бўлмасин». Мазкур иборанинг ҳозирги тилимиздаги муқобили бўлмиш «гап(ни) кўтариб юрмоқ» ибораси гапнинг бевосита ҳаракати йўқ, у ғўё оддий бир нарса, уни фақат кўтариб юрадилар, холос. «Ғапни етаклаб юрмоқ» ибораси шунинг учун ҳам ўткир ва ўзғирки, унда гапнинг ўзи ҳам бевосита юради, фаол ҳаракатга қодир, фақат уни чиркин мақсадларга хизмат қилдириш учун қаёққа хоҳлашса, ўша ёққа етаклаб юрадилар, бечора гап етовдаги молдай изнини нўхтачига тамоман тутқазиб кетаверади, нўхтачининг муддаоси эса гапнинг маъною мантиқ мувозанатини бутунлай бошқа бурчакка буриб юборишдан иборат. «Гап» ва «етакламоқ» сўзларидан таркиб топган бу ибора ана шундай маъно нозикликлари, закий ишоралар билан тўйинган бетакрор бир ифода сифатида шеъргa, бадиий мазмунга кўрк берган.

«Етакланган гап»нинг тилимиздаги яна бир бошқа ифодаси «миш-миш» деган сўздир. Бу сўз достонда «эмиш-эмиш» ва «эмиш-мемиш» шаклида қўлланган: «Ўлди дейди, юртга овоза бўлади, Эмиш-эмиш Қўнғирот элга боради, Ҳар ерда одамлар гап қип юради», «Эмиш-мемиш гап бўп ётди», «Қултой» қандай ёйни отди», Бир нечалар йўқ бўп кетди». Кўриниб турибдики, «миш-миш» ҳам айнан «эмиш-эмиш» сўзининг қисқаргани, достонда шу асл шакли сақланган. Шуни ҳам айтиш керакки, «гап етакламоқ» иборасида айни номақбул ҳаракатнинг эгаси аниқ, «эмиш-эмиш» («миш-миш»)да эса бу номақбул нарсанинг ўзигина мавжуд, унинг эгаси мажҳул, бу жиҳатдан «эмиш-эмиш» бетараф, холис. Бадиий тасвир тақозосига ўйғун ҳолатда тегишли ифода танланаверади.

Алпомишнинг синглиси Қалдирғоч «аҳмоқ қалмоқ» элида тўқсон алпнинг орасида талаш бўлиб, улар зуғумидан азоблар ичра ўртанган Барчинни қутқармоққа шошилмаган акасидан ўпкалаб, унга сўз тиғини санчмоқ учун «Номардсан!» деса камлик қиладигандай, «Ака, айтган сўзим оғир олмагин, Нар-мода ишини бунда қилмагин», дейди. «Нар-мода» деган сўз Алпомишнинг алп қалбини силкитибгина қолмасдан, синдиради ҳам. Алпомиш туганмас ҳайрат ва ҳаст билан «Нар-мода деб мени силкиб соласан, Жуда ҳам аканги номард биласан», дейди. Шунда Қалдирғоч ўша гапларни яна ҳам қаттиқроқ, қамчинлироқ қилиб айтади:

**«Ҳар ким ўз элида бекми, тўрами,**
**Нар-модалар сендан камроқ бўлами,**
**Марднинг ёри той-талашда қолами?!»**

«Нар-мода»нинг мунтазам маъниси Қалдирғочнинг бу ва кейинги сўзларида бутун қичовли қирралари билан намоён бўладиким, «номард» сўзи бир жуфт сўз ёнида кичрайиб, майдаланиб, йўқ бўлиб кетади. Айни «нар-мода» («эркак-урғочи») сўзи ўзининг қиёсий таънадор қудрати билан йигитнинг юрагидаги ҳамият деган бикир туйғуни тирилтириб, Алпомишни Бойчиборга миндиради. Ўқдан ўткир сўзни ўрнида сўйлатмоқ халқимизнинг аслида, азалиятида бор феълдир.

Тилдаги энг содда, табиий ва қадимий сўзлар товушга ёки образга тақлид асосида юзага келган сўзлар ҳисобланади. Тилшуносликда тилнинг пайдо бўлиши билан боғлиқ талқинларда тақлидий сўзлар масаласига ҳам алоҳида ўрин берилади. Ҳатто тил табиатдаги мавжуд хилма-хил товушларга тақлид қилиш асосида юзага келган деган қараш ҳам йўқ эмас. Айтиш мумкинки, муайян предметга хос бўлган товушлар ҳаракат, асосан, тақлидий феъл билан ифодаланади. Бундай сўзлар тегишли предметни жуда аниқ-тиниқ тасаввур қилиш имконини беради, ўша предметнинг овози ёки образи қулоқлар остида акс садо бериб туради. Ана шу маънода тақлидий сўзларнинг бадиийлик қуввати беқиёсдир. Худди шундай сўзлар шеърий мисраларда қофияланиб келганда, бу қувват янада бўртиб кўринади. Мана Алпомишнинг Барчинни озод қилишга отланиб, шижоат билан елиб бораётгани тасвири:

**«Дубулға бошда дунгуллаб,**
**Карк қубба қалқон қарқиллаб,**
**Тилла поянак урилган**
**Узангиларга шарқиллаб,**
**Бедов отлари дирқиллаб,**
**Олғир қушдайин чирқиллаб,**
**Қўлда найза сўлқиллаб,**
**Юрмоқчи узоқ йўлига,**
**Қарамай ўнгу сўлига,**
**Етсам деб ёрнинг элига**
**Силтаб юради Бойчибор...**
**Йўл юрар давлати шунқор...»**

Достонда Алпомишнинг хилма-хил фазилатлари бир қанча бадиий тасвир воситалари орқали ифода этилган, айниқса, сифатлашлар маҳорат билан қўлланилган, бунда сўзнинг серқатламлиги инкишоф қилинган. Масалан, асарда Алпомишга кўпроқ «қайсар» сифати берилади: «Қалмоқ юртини бўзлатар, Бораётган шундай қайсар, Қаватинда Барчин дилбар...», «Душманларни изиллатган Ҳакимбек қайсаринг келди», «Бу сўзларни қайсар Ҳаким айтди». Худди шу сифат Алпомишнинг тутинган дўсти Қоражонга нисбатан ҳам берилган: «Тўртов эди, бешов бўлар, Боради Қоражон қайсар». ҳозирги адабий тилимизда ҳам «қайсар» сўзи бор, унинг асосий маъноси «Рум подшоси, подшо» бўлиб, у асосан кўчма «ўжар» маъноси билан ишлатилади (Бу сўз ўзбек тилига араб тилидан ўтган, араблар эса юнонча «Кесар» (юнонлар лотинча «Cesar» — «Цезарни «Кесар» деб ўқиганлар) сўзини ўз тилларига мослаб айни «қайсар» шаклида олганлар). Кўриниб турганидай, бу сўз достонда «ботир», «қўрқмас», «мард бек» маъноларида қўлланган. Бу сўзнинг асос маъноси негизида айни маъноларнинг юзага келган бўлиши мутлақо табиий, чунки мазкур сифатларнинг шоҳларга хослигини исботлаб ўтириш керак эмас. Достондаги жуда кўплаб тиниқ ва таъсирли тасвирларда бу маънолар ярқираб жилоланади.

«Меҳнат» сўзининг асл маъноси «машаққат, қийинчилик»» демакдир, ҳозирги адабий тилимизда бу маъно йўқолиб кетган. Достонда бу сўз мазкур асл маънодагина қўлланган («Остимда ҳориган минган бул отим, Кўп йўл юриб ошиб кетди меҳнатим» бўлиб, кўп ҳолларда «меҳнат тортмоқ» тарзидаги ибора таркибида келади. «Сендай акам меҳнат тортиб боради», «Узоқ йўлда меҳнат тортиб юраман». Ҳозирги тилимизда бу маъно «машаққат тортмоқ» ибораси орқали ифодаланади. Достонда жуда кўплаб сўзларнинг ана шундай асл маъноларини топиш қийин эмас, бу жиҳатдан қараганда, асарни маънолар хазинасига менгзаш мумкин.

Достонда ўзбек халқининг юмористик сўз сезгиси, сўз ўйинлари, аскияга ўчлиги, ҳазилга мойиллиги ҳам гўзал бир шаклларда ўз ифодасини топган. Номард ва калтабин Ултонтознинг «қовун кўриб, қўчқор боқиб, ҳар ерда ухлаб қолиб, тилини ола ҳакка чўқиб, соқовтоб бўлиб қолган» онаси Бодом бикачнинг «р»ни чиқаролмай», «й» деб талаффуз ғқилиб гапириб, бунинг устига ўша чала тилида «ёр-ёр» айтишларининг ўзида кулгини ҳам кулдирадиган аллақанча кулги бор. Қултой қиёфасидаги Алпомишнинг Бодом бикач билан айтишувида чинакам халқона сўз зарофати ўзининг нозик ифодасини топганким, халқимиз табиати ва саъжиясида бу хусусият, бу мутлақо миллий санъат азалдан собит эканлигини, аскиянинг илдизлари чуқур ва бардавомлигини яна бир карра таъкидламоқ мумкин. Ана шу каттагина айтишувдан бир парча:

Бодом бикач:

**Қўй ёйилай Кўнғиёт этагига ёй-ёй,**
**Қизлай юймас йигитнинг етагига, ёй-ёй,**
**Сен ўзингни одамман дема, Қултой, ёй-ёй,**
**Тенгламайман ковусим патагига, ёй-ёй.**

Қултой:

**Қўй ёйилар Кўнғирот этагига, ёр-ёр,**
**Бизлар юрмас қизларнинг етагига, ёр-ёр.**
**Тенгламасанг, тенглама, ковушингнинг патагига, ёр-ёр,**
**Хўрозимни қамайин катагингга, ёр-ёр.**

Алпомишнинг айтишувдаги ғурурли мутойибаси, тил кескирлиги, сўз топқирлиги, унинг фақат жанг майдонидагина эмас, балки кулги курашида ҳам муваффарлиги достонхонга таъсир этмай қолмайди.

Достонда асрий ибратли тажрибаларни ўзида мужассамлаштирган мақол ва маталлар, халқ бадиий хаёлоти сарҳадсизлигининг кўзгуси бўлмиш муболағалар кўп ва хўп қўлланилган. Ҳатто баъзан мақол ўз замиридаги реал воқеа ичига олиб кирилган ҳолда ишлатиладики, бунда айни воқеа устида истиқомат қиладиган мажозий мазмун янада мунтазамлашади. Айни пайтда бу нозик усул ўзига хос енгил, юмористик кулгини ҳам келтириб чиқаради. Масалан, «Элакка чиққан хотиннинг эллик оғиз гапи бор» деган мақол халқда кенг тарқалган. Алпомиш Қултой қиёфасида «тўй»га кетиб бораркан, йўлда бир келинчак, Алпомишни Қултой фаҳмлаб, унинг подасига қўшган учта эчкиси ҳақида сўрайди. Алпомиш келинчакнинг эчкиси кўпайиб, бир юз ўн тўртта бўлганини айтади. Кейинги тасвир: «Кам фаҳм, ҳеч нарсага тушунмайдиган аёл юз ўн тўрт деганига думоғи чоқ бўлиб, кўнгли кўтарилиб: — Оғзингизга мой, уйга юринг, — деб тармашиб қўймай, уйига эргаштириб борди. Борса, уйида нон йўқ. — Бобо, ўтиринг, нон йўқ экан, мен муна қўшниникидан элак олиб келиб, мен сизга патир қотириб, устига мой солиб берай, — деди. Элакка жўнаб кетди, борса, беш-олти хотинлар буни гапириб ўтирибди. «Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гапи бор» дегандайин, у хотинлар билан ўрлаша кетди. Гап кўпайиб, Қултой эсидан чиқиб кетди. «Қултой»... уйдаги керакли нарсасининг барини эрмак қип еб қайтди. Келинчак ҳам элакни олиб келаётиб эди, «Қултой»ни кўриб қолди: — Ҳа, қайтинг, бобо, — деб порт бўлиб қолди...»

Асардаги деярли барча шеърий сатрлар тил бадиияти жиҳатидан шу қадар сайқалланган, мантиқ ва маъно теранлиги жиҳатидан шу қадар ишланган, мажозлар мазмун қуламдорлиги ва ҳаётий воқеликка мутаносиблиги жиҳатидан шу қадар пишиқтирилганки, уларнинг аксарияти халқ донолигининг қолипланган дурдоналари — ҳикматлар шаклини олган. улардаги халқимиз минг машаққатлар билан кўрибкўриб бошидан ўтказган тажрибалар асосида юзага келган хулосалар қаймоғининг қуюқлиги, қайралган мантиқ ва сўз салобати кишини ҳайратга солади: «То ўлгунча сўйлаб қолган тил бўлсин, Ғанимнинг шавкати қуйиб кул бўлсин», «Кучук босмас йўлбарс-шернинг изини, Эси бор билади гапнинг тузини», «Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема, Бошинг эсон, давлатингни кам дема», «Давлат қўнса бир чибиннинг бошига, Семурғ қушлар салом берар қошига», «Созандалар созин чертар қўл билан, Ёмон одам қуйдиради тил билан», «Хазон бўлса, зоғлар қўнар гулшанга», «Гул кетар бўлса, гулистон эмранар, Шаҳар вайрон бўлса, султон тебранар, Мол борида ҳамма одам дўст эди, Бошдан давлат қайтса, туққан эмранар».

«Алпомиш»да халқимизнинг миллий анъана ва урф-одатлари юксак оҳангларда, жуда катта муҳаббат билан тараннум этилган. Бу, айниқса, Алпомишнинг Барчин билан тўйи тасвирларида яққол кўринади. Нихоқ тўйи билан боғлиқ катта-кичик қадимий маросимлар бутун назокату латофати билан худди кино тасмасидагидай аниқ акс эттирилганким, бунда расм-русумнинг мазмуни ихчам ва лўнда, «Ўзбеклар расми шундай бўлади» деган бошлов билан шоирона баён қилинган. Мана, бу маросимларнинг номлари: «тўй», «тўқ-киз товоқ», «қиз опқочди», «қиз сўйлатар», «кампир ўлди», «ит ириллар», «чоч сийпатар», «қўл ушлатар», «куёв товоқ», «куёв улоқ», «эрга кўрсатди», «солим улоқ» ва ҳоказо.

«Алпомиш» достони ўзбек халқи тили тириклигини, ундаги анъаналарнинг бардамлигини, бу тилнинг расолик ва бадиий бўёқларга бойлик бобидаги баркамоллигини баралла кўз-кўз қилиб толиқмаган, тилимизнинг азалий тароватини саломат сақлаб, асрлардан асрларга опичлаб олиб ўтиб келаётган, минг йиллик фахру ифтихорга шоён, ёниқ ёдгорликким, унинг буюклигини дунё эътироф этиб, биз билан бирга тўйлашмоққа бел боғлагани юртимиз мустақиллигига мусаллам бир ишдир. Туркий тарихнинг энг чуқур қатламларидан ибтидо олган бу достон ўзбекнинг ўлмас сўзи тимсоли сифатида ҳали кўп авлодлар қалбига мунавварлик олиб киради. Чинакам халқ сўзининг умри боқийдир.

**Низомиддин МАҲМУДОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANA'TI
1998 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона телефони— 133-52-91

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00.
Босишга топширилди 20.00.

Бош муҳаррир Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

Навбатчи муҳаррир — Камол ОЛЛОЁРОВ

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 0137. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6